O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV №

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV №



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2004-yil, 30-yanvar • № 5 (3732)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

«Меҳр ва мурувват йили» дастури тўғрисида

Мамлакатимизда 2004 йилнинг "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилиниши муносабати билан, жамиятимизда аҳиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, юртдошларимиз, аввало, ёшларимиз онги ва тафаккурида юксак инсоний фазилатларни камол топтириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хусусан, кам таъминланган тоифа ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. "Меҳр ва мурувват йили" дастури тасдиқлансин.

Дастурда белгиланган чора-тадбирлар:

— давлат идоралари ва жамоат тузилмаларининг маблағ ва имкониятларини, корхона ва ташкилотлар, ширкат ва фермер хўжаликлари, тадбиркор ва ишбилармонларнинг ҳомийлик ёрдамларини кам таъминланган оилалар, ногиронларни, боқувчисидан жудо бўлган фуқаролар ва ёлғиз кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун жалб этишга;

— жамият ҳаётининг асосий бўғини бўлган оила тизимини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни, инсон ҳаёти ва манфаатларини ҳимоялаш, мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, жумладан, янги иш ўринларини яратиш, аҳолига тиббий, савдо ва коммуналмаиший хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича аниқ режаларни амалга оширишга;

— юртдошларимизни меҳрибонлик ва эзгулик руҳида тарбиялаш, замон талабларига жавоб берадиган қадимий анъана ва қадриятларимизни ҳаётимизга янада чуқурроқ сингдириш, бундай интилиш ва ҳаракатларни оммавий ахборот воситалари, жойлардаги маънавий-маърифий тадбирлар орқали кенг тарғиб қилишга йўналтирилгани маъқуллансин.

2. "Меҳр ва мурувват йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар ушбу дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва талаб даражасида бажарилишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, компаниялар ва агентликлар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

йилнинг ҳар чорагида, тегишли идоралар ва тузилмаларни жалб этган ҳолда, "Меҳр ва мурувват йили" дастурининг бажарилишини муҳокама қилиб, зарур чора-тадбирлар кўриб борсин;

йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича дастур топшириқларининг бажарилиши натижалари тўғрисидаги таҳлилий маълумотни кейинги ойнинг 7-кунигача республика комиссиясига тақдим этсин.

4. Матбуот ва ахборот агентлиги, "Ўзтелерадио" компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига аҳоли ўртасида "Меҳр ва мурувват йили" дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш, уларни амалга ошириш борасида қилинаётган ишларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 27 январь.

ИСТИҚЛОЛ МАНЗАРАЛАРИ

ЕР ВА ЭЛ

ХХ асрнинг сўнгги ўн йиллигида эришилган озодлик боис Еримиз ва Элимиз янги тараққиёт уфқлари сари юз тутди. Бу эндиликда барчага аён ҳақиқат. Миллий мустақиллик миллатни ўзига танитибгина қолмади. Унинг руҳида неча ўн йиллар мобайнида мудраб ётган маънавий эътиқодларни уйғотиб, миллий давлатчилик анъаналарини тиклади. Умуминсоний ва соф миллий қадриятларимиз асрлар чанг-ғуборидан тозаланди.

Албатта, ўтган ўн уч йилда рўёбга чиққан кўламдор ишлар салмоғини умумий сўзлар ёки, айтайлик, ҳар куни ойнаи жаҳон ва матбуот саҳифалари орқали кўзимиз кўникиб қолган манзараларнинг ўзи билангина тўкис ифодалаш қийин. Ҳурриятдан олдинги бир юз ўттиз йил мобайнида бой берилган ҳақ-ҳуқуқлар, йўқотилган бойликлар бугунги имкониятларимиз билан таққосланса, истиқлолнинг асрга татигулик ўн уч йиллик манзарасини кўз олдимизга тўлақонли равишда келтириш мумкин.

Кўп айтилган бўлса-да, такрорласанг, эъзозласанг, суюнсанг арзийдиган бир жиҳат шуки, ўн уч йил ичида кечган жараёнларнинг энг катта ютуғи, бу — бошқа мамлакатларга нисбатан таққослаганда аён кўринадиган юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, осмонимиз мусаффолигидир. Шунинг ўзи учун Яратганга ҳар қанча шукрона айтсанг арзийди!

Ўзбекистонни худди Амир Темур, Мирзо Улуғбек замонларида бўлгани сингари эндиликда жамики Ер юзи билади. Дунёда Ўзбекистон деган юрт, Ватан, мамлакат борлигини бутун жаҳон тан олди. Биргина шу ҳақ-ҳуқуқ ва имкониятни бизга бермаслик учун шўролар не-не қатағонларни халқимиз бошига солмаган эдилар. Не-не миллатимиз улуғлари, маърифатпарварлари, ижод аҳли, уларнинг ўғил-қизларини қамоқларда чиритиб, азиз қонларини тўкмаган эдилар.

Собиқ салтанат пешволарининг тор феъллиги, мафкуравий жиҳатдан ҳадик-хавотирию қўрқоқликлари боис унутилиб кетишга маҳкум этилган она тилимизнинг мавқеи учун кураш миллий мустақиллик учун курашнинг бош омили бўлганини бугунги авлод жуда яхши эслайди. Гарчи, биз бугун тилимизнинг бундай юксак мақомини, ўша йиллардагидек ғурур ва ифтихоримизни уйғотиб, бутун қалбимиз ҳарорати билан эъзозламаётган бўлсак-да, ўшанда ўзбек тилининг давлат тили мақомига сазовор бўлиши — бу, айни Ватаннинг мустақилликни қўлга киритиши каби халқимиз тақдиридаги буюк бурилиш бўлган эди. Аслида тил қадри ва мустақиллик бир-бирини тақозо этувчи, бирисиз иккинчисини тасаввур этиш қийин бўлган тушунчалардир.

Истиқлол йилларида халқимиз эришган ютуқларнинг энг салмоқлиси — бу миллий қадриятларимизнинг тикланаётгани, халқимизга хос бўлган бағрикенглик, меҳр-оқибатнинг улуғланаётгани ҳам ўз аксини топаётир. Бундай имкониятлар ёшларимизнинг маънавий камолотини таъминлашга ҳииса қўшиши шубҳасиз. Обод маҳалла йилининг мантиқий давоми сифатида бу йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб номланишида ҳам катта маъно бор. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Меҳр ва мурувват йили" дастури тўғрисида"ги қарорида таъкидланганидек, жамиятимизда аҳиллик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, юртдошларимиз, аввало, ёшларимиз онги ва тафаккурида юксак инсоний фазилатларни камол топтириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хусусан, кам таъминланган тоифа ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан катта тадбирлар амалга оширила бошланди.** Қарорда юртдошларимизни меҳрибонлик ва эзгулик руҳида тарбиялаш, замон талабларига жавоб берадиган қадимий анъана ва қадриятларимизни ҳаётимизга янада чуқурроқ сингдириш юзасидан муҳим тадбирлар белгиланган ҳам миллий истиқлолимиз манфаатларидан келиб чиқадиган ҳаётий эҳтиёжлардир.

Бунёдкорлик соҳасидаги мисли кўрилмаган ютуқлар эса истиқлол йилларининг гўзал манзарасига айланди. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган, Термез каби шаҳарларимиз қиёфасига бир назар солинг. Уларнинг ҳар бир кўчасида истиқлол манзараларини кўрасиз. Ўн уч йил аввал бу ерга келиб кетган хорижликлар энди бу шаҳарларни танишолмайди. Ҳатто хусусий уй-жойларимиз, меҳмонхонаю кафе-ресторанларнинг бутунлай янги ва ниҳоятда гўзал қиёфасига назар солиб, наҳотки, ўзбеклар шундай қасрлар қурадиган даражага етган бўлса, дея ҳайратга тушишади. Майли, бу иморатларни қураётганларнинг ҳалоли бўлсин денг. Ахир, бу ҳам юртимизнинг ободлиги, элимизнинг омонлиги, осойишта ҳаётимизнинг бир рамзи-ку, аслида.

Давоми иккинчи бетда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Қурбон ҳайити азалдан юртимизда халқимизга хос меҳр ва мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси бўлиб келаётгани, ушбу айёмда ёши улуғ кексаларга ҳурмат-эҳтиром, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган ва ногиронларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш хайрли анъана эканини, бу сананинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам — Қурбон ҳайитни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида" 1991 йил 20 июндаги 221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2004 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 1 февралга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг қарори эътироф этилсин ҳамда мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 27 январь.

ТАҚДИМОТ



Ўтган жума куни Миллий матбуот марказида ёзувчи Комил Аваз-нинг "Қўналға" романи тақдимоти бўлди. Комил Аваз Муҳаммад Раҳимхон — Феруз ҳақидаги телефилм ва бошқа асарлари орқали мухлисларга яхши таниш. "Қўналға" дастлаб "роман-эссе" сифатида "Ёзувчи" газетасида эълон қилинган эди. Яқинда асар "Шарқ юлдузи" журнали кутубхонаси" рукни остида китоб тарзида чоп этилди.

Тақдимот маросимини "Шарқ юлдузи" журнали бош муҳаррири Омон Муҳтор бошқарди. Атоқли олимлар Матёқуб Қўшжонов, Суйима Ғаниева, Тилаб Маҳмудов, ёзувчилар Эркин Аъзам, шоир Рустам Мусурмон ва бошқалар асарнинг фазилатлари ва айрим нуқсонлари хусусидаги ўз мулоҳазаларини баён қилдилар.

УЧРАШУВ

Мансур ТОШМАТОВ:

ҚЎШИҚЛАРИМ — ҲАЁТИМ ЗАВҚИ

Бугунги суҳбатдошимиз Ўзбекистон халқ артисти, халқаро танловлар лауреати, хонанда, продюсер ва режиссёр Мансур ТОШМАТОВ.

— Мансур Ғаниевич, эстрада хонандаси сифатидаги фаолиятингиз қачон бошлагансиз? Дастлаб қайси қўшиғингиз оммалашиб кетганини эслай оласизми?

— Тошкент давлат университетининг юридик факултети талабаларидан ташкил топган Colden Slumbers гуруҳи билан учрашув ҳаётимда кескин бурилиш ясади. Шу гуруҳда қатнаша бошладим ва кейинчалик гуруҳ "Ўзбекконцерт" қошида "Наво" номи билан фаолиятини давом эттирди. Талъат Нигматуллиннинг "Рус қарағайлари" шеърига Евгений Ширяев басталаган мусиқа асосидаги қўшиқ менга омад келтирди.

— Шоу-бизнесда узоқ яшаб қолиш жуда кўп нарсага, жумладан, шахснинг ижодий қиёфасига ҳам боғлиқ. Томошабин, давр ўзгаради. Хонанда-чи, у ҳам ўзгарадими?

— Мен учун санъатда узоқ яшаб қолишнинг тимсоли Иосиф Кобзондир. Ўзимнинг ижро йўлим ва услубимга келсак, ёшлигимда сочларим узун, шимимнинг почалари кенг бўларди. Вақт ўтиши билан таъб ҳам ўзгараркан, ҳаётга мунозабат ҳам, бу ёқда ёш деган гап бор... Ҳозир саҳнага асосан капалак нусха галстук ва смокингда чиқаман. Албатта, баъзан ҳолатга, мусиқий ғоя ва томошабинлар аудиториясига қараб, қолипдан четга ҳам чиқиб тураман.



— Замонавий томошабин Сизни асосан жаз қўшиқлари ижрочиси сифатида билади. Сиз ўзингиз "жаз санъати" тушунчасини қандай таърифлаган бўлардингиз? Дидингиз шаклланишида ёки жаз репертуарини танлашда ким ёрдам беради?

— Очиғи, менга анъанавий жаз мусиқасидан кўра, ижодий фантазияга кенг имкон берувчи жаз-рок йўналаши кўпроқ ёқади. Бу мусиқани томошабинлар ҳам яхши қабул қиладилар. 1985-87-йилларда Григорий Пушен раҳбарлигидаги "Замонавий жаз мусиқаси" ансамбли билан ҳамкорлик қилганман. Семен Мордухаев ва Адьюр Якубов каби жаз мусиқачилари билан мулоқот ижодий фаолиятимда сезиларли из қолдирди. Шунингдек, Вилли Казасьян, Георгий Ганян, Константин Орбелян ва Алексей Козлов каби жаз санъати дарғалари билан мулоқотда бўлганим учун тақдиримдан миннатдорман. Умуман, ёрқин ижодий қиёфага, кучли характерга эга мусиқачиларнинг барчаси менинг устозларимдир. Айниқса, Америка жазининг афсонасига айланган Френк Синатр ижоди мен учун кашфиёт бўлди.

Ижрочи ва тингловчи сифатида шуни айтишим керакки, жазнинг бугунги қиёфаси ранг-баранг; унда анъанавий янги орлеанча услубдан тортиб, то Жон Колтрейннинг авангард тажрибаларигача учратиш мумкин.

Давоми иккинчи бетда.

ТЕАТРДА ЧИРОҚ ЎЧДИ...

Аввалари театр ҳақида сиртдан тасаввурга эга эдим-у, лекин вақт топиб тушмагандим. Ўтган йили Ўзбек Миллий академик драма театрида Усмон Азимнинг "Бир қадам йўл" спектаклини кўргач, ўзимча мақсад қилдим: энди, албатта, театрга тушиб тураман. Шу-шу бўлди-ю, вақти-вақти билан бу даргоҳга келиб тураман. Бироқ... Яқинда автобусда бир суҳбатнинг гувоҳи бўлдим:

— Кеча театрга тушмоқчи эдинг, нима бўлди? — дея сўради бир йўловчи шеригидан.

— Э, спектакл кўргандай ҳам бўлмадим, бекорга вақтим кетди, чироқ ўчиб қолди.

— Қайси театрга тушгандинг?

— "Муқимий"га.

Эҳтимол, ўзим ҳам шундай ҳолга тушиб қолмаганимда, бу суҳбат хаёлимдан чиқиб кетарди. Ўша куни Муқимий номидаги театрда "Додагинам" номли спектаклнинг илк премераси эди. Залга одам сиғмай кетган. Оддий талабалардан тортиб, оилавий томошабинларгача премера кўргани келишган. Томошабин эндигина қизиқиб спектакл кўра бошлаганида, чироқ бирдан ўчиб қолса бўладими. Ташқарига чиққанимизда атрофдаги кўча чироқлари порлаб турибди. Фақатгина театр биносида йўқ. Шундай бўлса-да, томошабин ташқарида, совукда чироқ ёнишини кутди. Афсуски, чироқ ёнмади.

Кейин билсам, бундай ҳол тез-тез бўлиб турар-кан. Шу ўринда бир савол туғилади: нега бу ҳодисани Муқимий номидаги театр раҳбарияти оддий ва одатий ҳолдай қабул қилмоқда? Ахир, бундай бўлаверса, томошабиннинг ҳафсаласи пир бўлиб, театрдан кўнгли совимайдими? Агар фидойилар топилганида, саҳнанинг тўрт-беш жойига шам қўйиб бўлса ҳам (асар воқеалари тунда кечаётганди), томошани давом эттирганида, томошабиннинг театрга хурмат-эътибори янада ошмасмиди?

Аксарият ҳолларда одамлар театрга тушмайди, дея нолишади, лекин томошабинга хизмат кўрсатишни яхши йўлга қўйиш ҳеч кимнинг, театр раҳбариятининг ҳам хаёлига келмайди, чоғи. Ахир, бугун имкон топган қаҳрамон эмасми? Театрда чироқни мутлақо ўчмайдиган қилиб ишлаш шу қадар қийин муаммоми?

Аброр УМАРҚУЛ,
талаба

ЛУҚМА

НЕГА ҚОР ЁҒМАЙДИ?

Тиқилинч автобусда ишга келяпман. Янги яшил "Мерседес" йўлнинг танобини тортмоқда. Турли тоифадаги одамлар: зиёлилар, ишчилар, талабалар... Эҳтимол, тадбиркорлар ҳам бордир. Хуллас, ҳамма қандайдир эзгу ният билан қаёққадир шошилади. Автобусда "Сезам" радиосининг овози янграмоқда. Нафас олмай гапирадиган сўзамол йигит уста сўзбозлигини исботламоқда.

Навбат қўшиққа берилда (Агар уни қўшиқ деб аташ мумкин бўлса):

Эсингдами сени қиш кунлари,
Совуқ шамоллар учирар қорларни.
Шундай кунларда биз танишдик,
Қанийди сен билан
бирга бўлсайдик...

Мана шу на бир маъниси, на маза-матраси бор "тўртлик" ўн мартача қайтарилди ва бунинг оти қўшиқ. Дидсизлик, фикрсизлик маҳсули бўлган бундай "қўшиқ"лар билан яхши ниятда ишга кетаётган одамлар асабини эговлашга қачон барҳам берамиз ахир...

Мана, қиш ҳам охирламоқда. Бугун ҳам "қўшиқ"да айтилмиш "қиш кунлари"дан бири. Лекин совуқ шамоллар қорларни учираётгани йўқ. Чунки учадиган қорнинг ўзи йўқ. Шу он хаёлимдан ногаҳоний бир савол ўтди: нима учун қор ёғмай қўйди? Ёки у ҳақда айтилган гўзал қўшиқлар унут бўлиб, тузсиз бағишловларга қун қолганидан хафа бўлдими? Сиз нима дейсиз, азиз газетхон? Ахир, нега қор ёғмай қўйди?

Н.АБДУЛҲАКИМ

ИБРАТ

ЯШАШ САНЪАТИНИНГ СИРИ

Қандай яшамоқ керак? Бу савол ибтидодан буён ҳар бир фикр эгасини ўйлантириб келади. 26 январ куни Ўзбекистон Миллий университетида академик Матёқуб Қўшжонов билан бўлган учрашувда ҳам сўз шу ҳақда борди. Ўзбек филологияси факултети декани, филология фанлари доктори Баҳодир Карим олиб борган мулоқот қизғин фикр алмашув тарзида ўтди.

— Олимларни, улуғларни қадрлаш катта маданият белгиси, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов. — Матёқуб Қўшжоновнинг хизмати, биринчи навбатда, адабиётга холис қараганлиги билан белгиланади. У ҳар қандай ижодкорга, шахсий муносабатларидан келиб чиқиб эмас, маҳсулотига қараб баҳо берадиган ҳақпараст олим.

Академик Бахтиёр Назаров Матёқуб Қўшжоновнинг адабиётшуносликдаги ўрни, яқинда чоп этилган "Дийдор" китобининг аҳамияти тўғрисида сўзлади.

— Матёқуб Қўшжонов яшаш санъатини мукаммал эгаллаган олим, — деди профессор Абдуғафур Расулов. — Бу санъатнинг сири, биринчидан, ички маданиятда. Иккинчидан, илмда. Олимнинг бахти шундаки, унда бу хусусиятларнинг ҳар иккаласи мужассам. Ҳаётда ҳам, илмда ҳам олимнинг елкаси ер кўрмаганлиги сабабини шу билан изоҳлаш мумкин.

Профессор Умарали Норматов бугун жаҳон миқёсида икки хил: мемуар ва детектив асарлар мавқеи ошиб бораётганини таъкидлаб, олимнинг мемуар йўналишдаги "Дагиш", "Алам" ва "Дийдор" китоблари шунинг учун ҳам катта эътироф қозонганлиги тўғрисида сўзлади.

— 50-йилларда икки йирик адабиётшунос: Матёқуб Қўшжонов ва Озод Шарафиддинов ўз илмий-ижодий салоҳияти билан ҳаммани ҳайратга солди, — деди ўз сўзида профессор Шариф Юсупов. — Энг ибратли жиҳати, улар бу даражани бугун ҳам муносиб сақлаб келмоқдалар.

Профессор Норбой Худойберганов Матёқуб Қўшжонов асарларининг ўзига хослиги, аҳамияти ҳақида сўз юритди.

Учрашув сўнгида академик Матёқуб Қўшжонов мулоқот ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигини билдирди. Ўзини Миллий университет олдида қарздор деб ҳис этишини, бу илм даргоҳи ёнидан ўтганида таъзим қилишини, ушбу маърифат маскани хизматига ҳар доим тайёр эканлигини айтди. Олим учрашув қатнашчиларига ибратли хотираларидан сўзлаб берди.

— Мен ҳеч қачон ҳеч кимни хафа қилган эмасман, бировнинг юзига зинҳор тарсаки тортмаганман, — деди олим. — Бу менинг характеримдаги заифлик бўлса ажаб эмас. Илмга келганда эса минбаъд андиша қилмаганман, ҳеч кимни аямаганман. Бундай пайтда табиатимдаги заифлик шижоат билан алмашади. Илм инсонга қувват беради, жасорат ато этади.

Олим эгаллаган яшаш санъатининг сири, эҳтимол, илмга бўлган муҳаббатда, унинг заҳматидан олинадиган лаззатда бўлса ажаб эмас.

* * *

29 январ куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида академик Матёқуб Қўшжоновнинг "Дийдор" асари тақдимоти бўлиб ўтди.

Нурбой ЖАББОРОВ

ЕР ВА ЭЛ

Боши биринчи бетда.

Шу ўринда мустақиллигимизга қанот бўлиб турган ўнлаб янги иншоотларни, заводлар, қўшма корхоналарни тилга олмасдан бўлмайди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Кўкдумалоқ газ ва нефт конлари мажмуидаги йирик компрессор станцияси, Шўртан газкимё мажмуи, Асака ва Самарқанддаги енгил автомобил ҳамда автобус ишлаб чиқариш заводлари, Учқудуқ ва Зарафшондаги янги олтин саралаш корхоналари, Тошкентда ва барча вилоятларимизда қад кўтарган пахта хом ашёсидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи энг замонавий қўшма корхоналарни бир кўз олдимизга келтирайлик. Янги тўқимачилик иншоотлари халқаро бозорбоп маҳсулот ишлаб чиқариб, пахта хомашёсини сув текинга сотишдек иқтисодни ночорлаштирувчи эски асоратларга чек қўйди. Энди биз пахтамиздан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб сотиш орқали миллий даромад ва миллий бойликни кўпайтириш йўлидан бормоқдамиз. Жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари тараққиётини таъминлаб келаётган омиллар ҳам мана шунга боғлиқ.



Ҳа, истиқлол боис еримиз пахта яккаҳокимлигидан, бутифос сингари заҳри қотиллар балосидан халос бўлди. Ернинг соғлиги, сув ва ҳавомизнинг мусаффолиги — элимизнинг соғлиги, фарзандларимиз баркамоллигидир. Биз учун бутунлай янгилик бўлган фермерлик ҳаракати вужудга келди. Ер ўзининг ҳақиқий эгасини топмоқда. Бу эса миллий тараққиёт учун беқиёс ҳисса бўлмоқда.

Пойтахтимиз ва вилоят марказлари Намангандаги янги спорт комплекслари миллатимиз ёшларининг севимли масканларига айланиб қолди. Айни кунларда қадимий ва навқирон Самарқандда ҳам йирик спорт иншоотлари қад ростлаётир. Уларда миллатимиз келажаги бўлмиш соғлом авлод камол топади. Эндиликда қишлоқда ва умуман мамлакатда болалар спортини ривожлантиришнинг ойдин йўллари очилмоқда. Ўзига ишонган, истиқлол берган неъматлардан чинакам баҳраманд бўлган миллатгина шундай улуғ ишларни рўёбга чиқаришга қодир бўлади.

Галла ва нефт мустақиллигининг ўзи миллатимиз ғуруруни нечоғлик кўтарганини тасаввур этиш қийин эмас. Бу соҳалардаги мустақилликнинг мазмун-моҳияти сиёсий мустақилликни таъминловчи муҳим жараёнлар сифатида алоҳида қимматга эгалигини ватандошларимиз теран англайдилар. Ахир, дон ва энергетика мустақиллигига эришмаган давлатнинг сиёсий мустақиллигини ким ҳам назарга иларди. Мамлакатимиз Президент Ислом Каримов томонидан истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ бош мақсад қилиб қўйилган ғалла ва нефт мустақиллигига қисқа вақтда эришибгина қолмасдан, уларни хорижга экспорт ҳам қилаётгани жуда катта воқеадир.

Йўл ва коммуникация соҳаларида мустақилликка эришувнинг ўзи эса истиқлолнинг жуда катта бир ойдин саҳифасини ташкил этади. Истиқлолга қадар Ўзбекистон фақат Россия ҳудуди орқали ташқи бозорга чиқа оларди. Чунки темирйўл, денгиз ва автомобил йўлларининг деярли ҳаммаси Россия орқали ўтарди. Бу бир томондан ҳаддан ташқари узоқ масофалардан айланиб ўтиб-келишни тақозо этса, иккинчи томондан муқобил йўлларга эга эмасдик. Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан қисқа вақт ичида бир неча йўналишдаги муқобил йўлларга эга бўлиш орқали жаҳон океанига, халқаро савдо марказларига истаган вақтда энг қулай йўллардан чиқиш учун шарт-шароитлар яратилди. Машҳад орқали Эрон ва Форс кўрфази, ТРАСЕКА лойиҳаси орқали Кавказортидан Қора денгиз ва Европа мамлакатларига чиқиш, Андижон — Ўш ва Иркаштом орқали Хитойу Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига чиқиш йўллари танланди ва бу халқаро режаларни таъминлаш учун йирик ҳажмдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширила бошланди. Қамчиқ довонидан ўтган жаҳон андозаларига мувофиқ катта автомобил йўли ана шу улуғ режанинг бошланиши бўлиб, ҳозирнинг ўзида бу трассадан бир кеча-кундузнинг ўзида йигирма мингдан ортиқ турли хил автомобиллар қатнаб турибди. Буюк Ипак йўли амалда янгидан вужудга келди.

Қамчиқ довонидан ўтган халқаро кўламдаги бу йўл айнан ҳозирги қиёфаси бўйича Шарқда Хитой чегараларигача, Ғарбда эса мамлакатимизнинг бутун ҳудуди бўйлаб Самарқанду Бухоро ва ундан Қўнғироту Устюрт орқали Қозоғистону Россия йўллари билан туташади. Бунинг учун катта кўламдаги йўлсозлик ишлари амалга оширилмоқда. "Ўзавтойўл" ана шундай халқаро андозаларга мос йўлларни қуриб, бугун жаҳонга машҳур йирик йўлсозлик компаниясига айланди. Эндиликда ўзбек йўлсозларига хорижий мамлакатлардан ҳам катта-катта буюртмалар тушаётир. "Ўзавтойўл" Афғонистонда бир неча ўнлаб кўприк ва йўлларни қуришда қатнашаётгани, Термиздан Мозори Шариф орқали Ҳиротгача борадиган йирик авто ва темирйўл магистраллари қурилишига ҳам таклиф қилингани шундан далолатдир.

Йўлсозлик — мустақил Ўзбекистон кучқудратини намоён этувчи муҳим соҳага айланди. Буни янги темирйўллар қурилишидаги бунёдкорлик ишларимиз рўй-рост кўрсатиб турибди. Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида шўроларнинг узоқни кўзлаб қилган шумликлари боис Марказий Осиёдаги миллий чегара ҳудудлари атайин равишда бу минтақадаги барча халқларнинг миллий манфаатларига зид равишда белгиланган эди. Оқибатда чор Русияси даврида ўтказилган темирйўллар шўролар ҳукмронлигининг етмиш йили мобайнида ҳам ўз ҳолича қолиб кетди. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларидан бошлаб бу муаммони ечиш масаласи ҳам истиқлолга эришган мустақил давлатлар зиммасига тушди. Ўзбекистон бу борада биринчилардан бўлиб ўзининг мустақил темирйўл тармоқларини ривожлантира бошлади. Дастлаб Хоразм ва Қорақалпоғистонга Қизилқум саҳроси орқали бир неча юз чақиримлик янги темирйўл бунёд этилди. Бугун бу ҳудларимизга йўл олган поездлар ана шу янги трассадан қатнамоқда. Қўшни давлатларнинг темирйўл карвонлари ҳам ундан жон деб фойдаланишмоқда. Хоразму Қорақалпоқ диёрига, ундан ўтиб хорижга бораётган йўловчилар ва савдо карвонларининг йўли қисқаргани, узоғи яқин ва арзон бўлганини айтмайсизми? Бунинг маънавий ва иқтисодий фойдасини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас.

Мамлакатимиз темирйўл мустақиллигини таъминлаш йўлидаги бу сиёсатни изчил давом эттириб, Тошгузар — Қумқўрғон темирйўл тармоғи қурилишига киришди. Бу йўлнинг яқин икки-уч йилда фойдаланишга топширилиши эса Жанубий вилоятимизнигина эмас, у орқали Тожикистон, Афғонистон каби қўшни мамлакатларни ҳам бизга янада яқин қилиб қўяди. Шу темирйўл ўтган туманларнинг саноати, иқтисоди гуллаб-яшнайди. Янги йўл Афғонистону Эрон орқали Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига борадиган йўлимизни яқин қилишда ҳам бениҳоя катта имконият очади.

* * *

Тараққиётга ҳамиша янги йўллар билан борилади. Қизилқум саҳросини ўқдек кесиб ўтган янги йўл билан барханлар ошиб, олис Европа шаҳарларини кўзлаб йўлга чиққан карвонларни кузатиб, Устюртни кесиб ўтаётган янги қитъаларараро автомагистрал қурилиши манзараларига боқиб, шундай элинг, юртинг борлигидан ифтихор қиласан.

Истиқлол йўли — омонлик йўли. Унинг Йўлбошчиси ҳам омон бўлсин! Шоир айтганидек:

Фидойи инсонлар: балки раҳнамо,
Балки оддий зотдир — ҳар қайда бордир.
Улар унутгайлар ўзни доимо
Чунки қўлловчиси Парвардигордир.

Бор бўл, эзгуликка бахшида ҳаёт,
Заҳматинг туфайли етдинг ниятга.
Шоҳмисан, фуқаро — энди умрбод
Дахлдор бўлдинг сен Абадиятга!

М.АБДУЛЛАЕВ

СУРАТЛАРДА: Попда ободончилик ишлари ҳашар йўли билан олиб борилмоқда.

Турғунбой МАҲКАМОВ олган суратлар.

ҚЎШИҚЛАРИМ — ҲАЁТИМ ЗАВҚИ

Боши биринчи бетда.

— Сизнингча бизда ҳам жаз мусиқасининг истиқболига умид қилса бўладими?

— Агар ўзига хос фикрловчи мусиқачилар бўлса, истиқбол ҳақида қўрқмай гапириш мумкин. Жаз бу — истаган ёшдаги одамга аталган мантиқий ва оқил мусиқа тури. Юксак интеллект эгаси бўлган ҳар қандай мусиқачи эртами-кечми, барибир, жазга мурожаат қилади. Чунки бу ўзлигингни тўла намойиш этишга имкон берувчи мусиқа йўналишидир. Мен жаз созандалари билан тез-тез ҳамкорлик қилиб тураман ва ишонч билан айтишим мумкинки, Ўзбекистонда жаз мусиқа санъати ёшармоқда. Янги шаклланиб келаётган бизнинг ижодкорлар чет эллик ҳамкасбларидан ортда қолаётганлари йўқ.

— Жаҳон жаз санъати ривожида биг-бенд муҳим аҳамият касб этди. Сиз Ботир Зокиров номидаги Биг-бенднинг бадиий раҳбари сифатида ўз олдингизга қандай мақсадларни қўйгансиз?

— Тўғри, мен оркестрга жуда мураккаб бир даврда келдим. Асосий вазифам миллатимиз ва бадиий маданиятимизнинг ақлий мулки бўлган бу бетакрор ижодий жамоани сақлаб қолишдан иборат. 2003 йили Б.Зокиров номидаги Биг-бенд Роберто Маграс жаз триосининг ҳамкорликдаги лойиҳасини амалга оширди. Биринчи Халқаро жаз фестивалида ранг-баранг катта концерт дастурини кўрсатди. Бу ташаббус Италия элчихонаси ва Маданият ишлари вазирлиги томонидан қўллаб-қувватланди.

— Сиз ҳозирги кунда "Кавсар" вокал жаз-квинтетида продюсерлик қиляпсиз. Бу жамоа сизни нимаси билан ўзига жалб этди?

— "Кавсар" гуруҳи Ўзбекистон давлат консерваториясининг эстрада факултети базасида ташкил этилган. Жамоанинг асосий мақсади жаҳон бадиий маданиятининг энг сара намуналарини тарғиб қилишдир. Бу гуруҳ, аввало, катта ижодий имкониятларга, юксак касб маҳоратига эга бўлган созандалари билан диққатимни тортди. Ҳозирги "Кавсар"чилар консерваториянинг эстрада вокали синфидаги менинг талабаларимдир. 2003 йил октябрида "Кавсар" Ўзбекистон — Италия биринчи халқаро фестивалининг лауреати бўлди, гуруҳ солисти Тимур Иманжанов "Золотой шлягер — 2003" (Могилев, Белоруссия) халқаро танловида учинчи ўринни эгаллади. Улар билан "этно-жаз" йўналишида бир неча лойиҳани амалга ошириш ниятидаман. "Этно-жаз" евро-америка жази ютуқлари ва турли этник ҳудудлар миллий анъаналарининг ўзига хослигини мужассам этган йўналишдир. Бу борада Ўзбекистонимиз катта миллий бойликка эга бўлган мамлакат. Бизда фолклордан тортиб профессионал мусиқагача бўлган халқ классикаси мавжуд. Икки маданиятнинг уйғунлашуви турли ўзига хос лойиҳаларни яратиш имконини беради.

— Яқинда "Мумтоз наволар" номли компакт-дискка продюсерлик қилибсиз. Ўзбек маданиятининг мақом, катта ашула, достон каби мумтоз хазиналарига мурожаат қилишингизнинг сабаби нимада? Ахир, сизни асосан эстрада вакили сифатида биламиз-ку?

— Менимча, Бекназар Дўстмуродов, Соибжон Ниёзов ва Набижон Иброҳимовлар катта имкониятларга эга бўлган истеъдод соҳибларидир. Уларнинг санъатини қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш керак. Бугунги эстрададаги асосий йўналиш поп-фолкдир. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишни истардим. Кўп марта Болгарияда бўлганман ва **афсус билан айтаманки, Болқон ярим оролидаги аксарият халқлар турк ёки араб мусиқаси таъсирига тушиб қолганлар. Уларда ҳозир фақат адабий матнгина миллийлик белгиси бўлиб турибди.** Афсуски, бундай ҳолат Ўзбекистонга ҳам куч билан кириб келяпти. Шунинг учун ҳам эстрада хонандаларимиз ўз меросларига қайтишлари зарур, зеро, фолклор доимо илҳом учун туганмас манба бўлиб келган.

— Албатта, сизнинг мумтоз халқ мусиқасига бу қадар меҳр қўйишингизда оилавий муҳитнинг таъсири катта бўлган бўлса керак.

— Шубҳасиз. Ахир, мен машҳур созанда, Ўзбекистон халқ артисти Ғанижон Тошматов оиласида туғилиб камолга етдим. Болалигимдан машҳур санъаткорлар қуршовида улғайдим. Буларнинг бари менда ўзбек мусиқасига чуқур меҳр-муҳаббат уйғотди.

— Ҳозирги кунда продюсер сифатида бир неча лойиҳалар билан бандсиз. Бу фаолият билан шуғулланиш қаердан ҳаёлингизга келди?

— Очиғи, кутилмаганда продюсерлик қилишимга тўғри келди. 1997 йили "Сидериз" ва "Анор" шоу-гуруҳларига асос солган "Т — 5010" вокал гуруҳи ҳақида эшитиб қолдим. Айнан "Сидериз" гуруҳи продюсер сифатидаги илк муваффақиятли лойиҳам бўлди. Бир вақтнинг ўзида "Жаъфар — дрей" гуруҳи ва хонанда Қаҳрамон Ҳайдаров билан иш олиб бордим. 2002 йили омад яна кулиб боқди. Лариса Москалёва "Славян бозори" халқаро танловида муваффақиятли қатнашиб, "Золотой шлягер" танловида биринчи ўринни олди, "Пари" дуэти республика танлови лауреати бўлди. Лариса билан ижодий ҳамкорлигимиз яна бир яхши самара берди. У Варнада ўтган "Дискавери" танловида лауреатлик дипломи олиб, Добричедаги халқаро конкурсда катта ютуққа эришди.

— Ижодий биографиянгиз ниҳоятда бой ва ранг-баранг. Айтинг-чи, сизнинг ўз композитор ва шоирларингиз борми?

— Композитор Евгений Мартинов билан дўстона алоқалар ўрнатганмиз. Энмарк Солиҳов, Алексей Мажуков, Олег Иванов каби композиторлар ижодий кечаларининг доимий иштирокчиси. Икром Акбаров ва Юрий Саулскийлар билан қалин ижодий мулоқотдамиз. Уларнинг ҳаммаси мен учун қўшиқлар ёзиб беришган, Ян Френкел эса мени бевосита "Золотой Орфей" танловига ўзи тайёрлаган. Асосан Лев Ошанин ва Онегин Хожиқосимов шеърларидан фойдаланаман. Бундан ташқари, Илья Резник шеърларига ўзим ёзган туркум қўшиқларим бор.

— Кимларни устоз деб биласиз?

— Катта авлод вакилларидан Яаак Йола ва Ринат Иброҳимов ҳамиша мени дўстона қўллаб-қувватлашган. Ўзбек эстрадасининг ёрқин юлдузи, маънавий устозим ва муаллимим Ботир Зокиров номини алоҳида айтишни истардим. У киши билан 70-йилларда учрашганман. Унинг саҳнада ўзини тутиши, томошабин билан ишлаши, репертуарга жиддий муносабати мен учун юксак профессионализм мактаби бўлиб қолди.

— Миллий эстрада санъатини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бўйича Кенгаш аъзосисиз. Сизнингча, хонандаларга лицензиялар берилишининг жорий қилиниши қандай самаралар бермоқда?

— Лицензия беришнинг самарадор бўлиши учун, биринчи навбатда, ҳаваскорлар билан профессионал қўшиқчиларни ажратиб олиш керак. Чунки ҳаваскорларга лицензия бериш керак эмас. Афсуски, "Ўзбекнаво"да фаолият кўрсатаётган ижодий гуруҳнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, теле-радио каналлардаги бадиий кенгашлар механизми кўнгилдагидек ишламаётгани сабабли ҳамон маза-матрасиз, саёз хиргойилар эфирларда таралиб ётибди. Ҳар бир қўшиққа, хонандага профессионал талаб кучаймас экан, лицензия ўзини оқлаши қийин. Шунингдек, лицензия берувчи гуруҳни турли жанрларда, масалан, рақсда, қўшиқда, овоз режиссурасида тажрибага эга бўлган мутахассислар билан мустаҳкамлаш керак, деб ўйлайман.

— Сизнингча, Ўзбекистоннинг замонавий эстрада санъати қандай бўлиши керак?

— Ҳозир эстрада йўналишини асосан "плюс" ва "минус" фонограммалар асосидаги шовқинли қўшиқлар белгилаб қоляпти. Концертларда жонли овозни онда-сонда эшитиб қоласиз, оранжировкалар ва эстрада номерларини қўйиш савияси яхши эмас.

Эстрада, энг аввало, вокал, чолғу мусиқаси, сўз ва оригинал жанрларнинг уйғунлигидаги санъат туридир. Афсуски, бизда замонавий эстрада рақслари йўқ, цирк жанрлари жуда суст ривожланмоқда, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Назаримда, ўзбек эстрадаси савиясини жаҳон андозаларига тенглаштириш учун бир неча йўналишлардаги ишларни амалга ошириш керак. Эстрада ва цирк артистларининг профессионал уюшмасини ташкил этиш, ва цирк артистлари тайёрловчи ўқув юртларининг ўқув-маърифий базасини мустаҳкамлаш, зарур бўлса, Маданият ишлари вазирлиги қошида эстрада ва цирк санъати коллегиясини таъсис этиш кабилар шулар жумласидандир. Бундай ишларни профессионал назариётчилар ва амалиётчилар ўз зиммаларига олишлари керак.

— Кейинги вақтларда шоу-дастурлар режиссёр-постановкачиси сифатида ҳам бир қанча ишлар қиляпсиз. Юртимизда эстрада режиссурасининг келажагини қандай тасаввур қиласиз?

— Эстрада ижрочилари бор экан, бу соҳанинг келажаги ҳам бор. Мен ўз ғояларимни Маннон Уйғур номидаги Санъат институтининг "эстрада режиссёри" бўлими базасида рўёбга чиқармоқчиман. Бу ерда ҳозир талабалар орасида махсус тажриба гуруҳи ташкил этиляпти.

— Ижодий режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Асосий мақсадим, халқимиз орасида эстрада санъатининг моҳиятини тушунтириш борасида кенг кўламли иш олиб бориш. Бунда асосий таянч юртимизда мунтазам равишда жаз фестивалларини ўтказиш бўлади. Жаз ва рок фестиваллари ҳозирги чала ҳаваскорлик даражасидаги эстрадага қарамақарши ўлароқ, том маънодаги профессионал тадбирлар бўлади, янги турдаги мусиқий эстрадага асос солади.

Шунингдек, кучли жаз-рок чолғу гуруҳини тузмоқчиман. Бу гуруҳ яхши ва керакли мусиқанинг оммалашувини таъминлайди.

Ҳар ҳолда, олдинда ижодий режалар кўп. Соғ-саломат бўлсак, ниятларимиз бирин-кетин рўёбга чиқаверади.

Лола ОБИДОВА
суҳбатлашди

МАДАНИЙ ҲАЁТ

АЖДОДЛАРНИ ХОТИРЛАБ

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси бадиий кенгаши Ҳабибулло Раҳимов ва Йўлдош Муқимовнинг "Баҳоуддин Балогардон " ораториясини қабул қилди. Оратория компания қошидаги Дони Зокиров номидаги Ўзбек халқ чолғулари оркестри ва хизмат кўрсатган хор жамоаси томонидан ижро этилди.

Тўрт қисмдан иборат асар сухандони Эрназар Ёрбеков, яккахонлар — Ўлмас Оллоберганов, Тоир Ғоипов, Валижон Жакперов.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 685-йиллигига бағишланган ораториянинг 1-қисми "Пир бобо самосий башорати" "Сегоҳ" мақомининг "Сарахбор" оҳанглари асосида ёзилган.

"Баҳоуддин шогирдлари билан" номли иккинчи қисмида Қаландарлар зикри оҳанглари ишлатилган. Унда Баҳоуддиннинг "Дил ба ёру даст ба кор" таълимоти очиб берилган.

Учинчи қисм — "Баҳоуддин васиятлари"да Бухоро "Мавриги"си оҳангларидан фойдаланилган. "Баҳоуддин Балогардон" номли тўртинчи қисмда Қаландарлар зикри ишлатилган.

Оратория:

Ё Аллоҳ, Аллоҳ, Аллоҳ, Ўзингсан мангу паноҳ,
Нурга тўлдир дилимни, доим асра элимни.
Омон сақла имонин барча қарию ёшни,
Қалбларида уйғоттин меҳр деган Қуёшни, —

сўзлари билан якунланади.

Ойдин РАҲИМОВА,
Консерватория талабаси

"ДОДАГИНАМ"

Муқимий номидаги мусиқий театрда драматург Набижон Ҳошимов қаламига мансуб "Додагинам" номли икки пардали мусиқали жиддий комедия намойиш этилди.

Асарнинг асосий ғояси меҳр-мурувват ҳақида бўлиб, ота ва ўғиллар ўртасидаги оқибатсиз муносабатлар ўткир сатира остига олинган. Асосий ролларда чиққан Ўзбекистон халқ артистлари Суръат Пўлатов ва Наима Пўлатова, артистлар Ҳамид Тўхтаев, Мақсуда Отажонова, Нафиса Хўжамқуловаларнинг ижролари ва қўшиқлари томошани янада жозибали қилган. Асарни Маъруф Отажонов саҳналаштирган бўлса, рассом Аҳмаджон Ўринов саҳна безакларини ишлаган. Қўшиқларга Акромжон Ҳошимов куй басталаган.

Ўйлаймизки, "Меҳр ва мурувват йили"да ҳар биримизни меҳр-оқибатли эъзозлашга чорлашда бу асарнинг ўрни бўлади.

Хонбиби ҲИММАТ қизи

МАЪНАВИЯТ ЧИНОРЛАРИ

Таниқли олим Ориф Усмоннинг "Бухорои шарифнинг етти пири" китоби (Ориф Усмон. Бухорои шарифнинг етти пири. Масъул муҳаррир: проф. А.Маннонов. — Тошкент, ТошДШИ нашриёти, 2003.) тасаввуф адабиёти бўйича ўқув қўлланмаси сифатида яратилган.

Муқаддимада Хожагон тариқатининг пайдо бўлиш сабаблари ва унинг илдизлари ҳақида мулоҳаза юритилади. Муаллиф тасаввуф тарихини ўрганишга киришган талабалар учун баъзи муҳим тушунчаларни содда тарзда изоҳлаган. Улардан бири силсила тушунчаси бўлиб, қўлланмада унга қуйидагича таъриф берилган: "Тасаввуфда икки хил силсила бор: силсилаи насаб ва силсилаи иродат (яъни муридлик). Насаб силсиласи муайян машойихнинг ота-боболари, аждодлари силсиласидир. Иродат силсиласи эса мазкур машойихнинг устозлари, мураббийлари силсиласидир. Баҳоуддин Нақшбандининг "Ҳеч ким насабига орқа қилиб бирор мақсадга етолмайди", деганидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тасаввуф маслагида насаб силсиласидан кўра иродат силсиласига кўпроқ аҳамият берилади".

Албатта, ҳар бир халқнинг маданияти ва маънавияти олис-яқиндаги бошқа халқларники билан узвий боғлиқликда ва бир-бирини бойитган ҳолда ривожланади. Шу жиҳатдан, Эронда туғилиб ўсган ва етуклик даврида Мовароуннаҳрга кўчиб келиб, бу ерда ўзининг иккинчи Ватанини топган улуғ шайх Хожа Юсуф Ҳамадоний фаолияти маънавий юксалишга катта таъсир кўрсатган. У Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида кўплаб шогирдларга таълим-тарбия берган. Хоразмлик Абдуллоҳ Барракий, ҳозирги Қизилтепа туманидаги Андоқ қишлоғида туғилган Ҳасан Андоқий, Аҳмад Яссавий ва Абдулхолиқ Ғиждувонийлар Юсуф Ҳамадонийнинг етук шогирдлари жумласидан бўлиб, унинг халифаси (яъни ўринбосари) деган юксак мақомга сазовор бўлишган. Тасаввуфдаги янги Хожагон тариқатининг мустаҳкам ғоявий-назарий асоси бўлган дастлабки саккиз қоида, Ориф Усмон манбалар асосида кўрсатиб берганидек, Юсуф Ҳамадоний ва Абдулхолиқ Ғиждувонийлар томонидан ишлаб чиқилган.

Хожагон тариқатининг Бухорои шариф заминидан етишиб чиққан етти нафар улуғ пири бузрувгорлари Абдулхолиқ Ғиждувоний, Муҳаммад Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир-Фағнавий, Хожа Али Ромитоний Азизон, Хожа Муҳаммад Бобои Самосий, ва ҳадис илмини ўрган", "Сен ҳамиша суннатга амал қил, ўтмишдаги улуғ уламоларнинг йўлидан юргилки, ҳар қандай бидъат макруҳдир" каби насиҳатлар мавжуд.

Абдулхолиқ Ғиждувоний ўз устози Юсуф Ҳамадоний ҳақида "Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний" асарини битиб, унда улуғ шайхнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар ҳамда айтган баъзи сўзларини ёзиб қолдирган бўлса, ўз навбатида, Ғиждувонийнинг шогирдлари ҳам унинг айрим панд-насиҳатларини ўз асарларида келтирадилар. Масалан, Хожа Ориф Ревгарийнинг "Орифнома" асарида шундай нақл қилинади: "Хожа раҳматуллоҳи алайҳи (яъни Абдулхолиқ Ғиждувоний) дедилар: Ҳар тоате ва ибодатеким айларсиз, анинг илмидан воқиф бўлинг. Ҳар илмники ўрганибсиз, анга амал қилинг. Ҳар амалники этгайсиз, сидқу ихлос билан адо этгайсиз".

Ғиждувонийнинг бошқа баъзи издошларидан ҳам асарлар мерос қолган бўлиб, улар китобда қисқача таҳлил қилинади. Муаллиф улуғ шайхларнинг Бухоро вилоятининг турли манзилларида жойлашган табаррук қабрларини ихлос ва муҳаббат билан бир неча бор зиёрат қилган бўлиб, уларнинг жойлашган ўрни, мустақиллик йилларида обод қилиниши ва ҳозирги аҳволи ҳақида маълумотлар беради.

"Бухорои шарифнинг етти пири" китоби мутолааси туфайли Хожагон тариқатининг ўлкамиздаги уч асрлик ривожидан воқиф бўламиз.

Ориф Усмон Хожагон тариқатининг саркаҳалари бўлмиш йирик шайхларнинг кўзга кўринган шогирдлари ҳақида ҳам маълумот беради. Аслида уларнинг юзлаб, баъзан ҳатто минглаб шогирдлари ва муридлари бўлган. Шу сабабли тариқат шайхларининг аҳоли ўртасидаги обрў-эътибори ва таъсири кучли бўлган. Улар халқдан узоқ бўлишмаган ва барчалари ўз меҳнатлари билан кун кечиришган. Хожагон шайхларининг элу юрт озодлигига бепарво қарашмаганини шу ҳол ҳам тасдиқлайдики, шайх Амир Сайид Кулол ёш Амир Темурга фотиҳа бериб, уни душманларга қарши курашга руҳлантирган. Буюк шайх Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳам айни юрт мўғул истилосидан озод қилинган даврда камолга етишиб, тариқатнинг ғоявий асосларини янада мустаҳкамлади. Кўп жиҳатдан янгиланган хожагон-нақшбандия тариқатини вужудга келтирди. Шу даврдан бошлаб хожагон-нақшбандия (ёки қисқача нақшбандия) тезлик билан бошқа бир қатор ўлкаларга ҳам ёйилиб, жаҳоний бир тариқатга айланди.

Амир Темур ва темурийлар даврида ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандининг Хожа Муҳаммад Порсо, мавлоно Яъқуб Чархий, Хожа Алоуддин Аттор, Мавлоно Саъдуддин Кошғарий, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, мавлоно Абдурраҳмон Жомий каби серғайрат шогирд ва издошлари етишиб чиқдилар. Темурийлар даврида хожагон-нақшбандия тариқатига бағишлаб ёзилган асарлар ўтган уч юз йилдагидан бир неча баробар ортиқ. Шу ҳолнинг ўзи ҳам кучли марказлашган давлат жамиятнинг маънавий тараққиёти учун мисли кўрилмаган имкониятлар яратиб бера олишига ёрқин бир мисолдир.

Устоз Ориф Усмоннинг "Бухорои шарифнинг етти пири" китоби бутун башарият маънавиятига катта ижобий таъсир кўрсатиб келаётган хожагон-нақшбандия тариқати тарихига оид қимматли тадқиқотлар сафидан ўрин олишга ҳақли.

Ғулом КАРИМ

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

Сайид Амир Кулол ва Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг ҳар бирига китобда алоҳида фасл бағишланган. Айниқса, буюк шайх Ғиждувоний таълимотининг моҳияти унинг назмий мероси, яъни рубоийларига ҳам сингдирилгани теран тадқиқ этилади. Улардаги айрим ўгитлар фақат ўша давр учунгина эмас, балки барча замонлар учун аҳамиятлидир:

Умр ўткинчидир, бўлғил беозор,
Қўлингдан келганча бўлғил некукор.
Дунёда не эксанг, шуни ўрасан,
Яхшилик тухмин соч, бўлма бадкирдор.

Китобда Ғиждувонийнинг қобилиятли шогирдлари Аҳмад Сиддиқ, Хожа Авлиёи Кабир, Сулаймон Карминий ва Ориф Ревгарийлар ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Ғиждувонийнинг "Одоби тариқат" (бошқа номи "Васиятнома") асари унинг шогирди Хожа Авлиёи Кабирга бағишланган бўлсада, бу асар, умуман, тариқатга янги кирган кишилар учун бир йўриқнома ёки қўлланма сифатида ёзилган. Унда, жумладан, "Илм қидиришдан бир қадам ҳам узоқлашма, фиқҳ

ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

"Ўзбек тили ва адабиёти" журналининг 2003 йил 6-сони босмадан чиқди.

Журналнинг дастлабки саҳифаларида таниқли адабиётшунос олим Абдурашид Абдуғофуровнинг "Убайдулла Завқий (Мерос. Муаммолар)" ҳамда Рустамжон Тожибоевнинг "Завқий шеъриятида замон садоси" сарлавҳали мақолалари берилган. Завқий таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан эълон қилинган мазкур мақолаларда шоир ҳаёти, ижодий мероси батафсил таҳлил этилган.

"Адабиётшунослик" рукнида О.Сафаровнинг "Фолклор ва болалар адабиёти", Ж.Эшонқулнинг "Ўзбек халқ достонларида туш мотивининг ўрни ва тавсифи", Н.Раҳимжоновнинг "Сўзнинг бадиий қирралари" ҳамда Р.Воҳидов ва М.Маҳмудовнинг "Аҳлоқи Муҳсиний" — нодир маънавий-бадиий асар" сингари тадқиқотлари билан танишасиз. "Тилшунослик" рукнида З.Қодировнинг "Синтактик бирликнинг коннотатив аспекти" мақоласи берилган.

Шунингдек, журналнинг мазкур сонида тилшунослик ва адабиётшунослик йўналишларида изланиш олиб бораётган йигирмадан ортиқ тадқиқотчининг долзарб мавзуларга бағишланган илмий ахборотлари эълон қилинган. Улар орасида этиологик афсоналарга (К.Имомов), шеър вазнини белгилаш усулларига (Н.Афоқова), ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида экзистенциаллик аломаларига (Г.Гапирова), шеърий романга хос хусусиятларга доир, халқ оғзаки ижоди муаммолари, тил қонуниятларига алоқадор илмий кузатишлар акс этган.

Журналнинг "Мерос" рукнида Завқий қаламига мансуб янги аниқланган шеърлардан намуналар эълон қилинган. Таниқли тилшунос олимлар Азим Ҳожиев ва Аҳмаджон Маҳмудовнинг етмиш йилликлари муносабати билан билдирилган қутловлар "Фанимиз заҳматкашлари" рукнида берилган.

"Ўзбек тили ва адабиёти" орқали миллий тилимиз ва адабиётимиз янгиликлари, бу фанлардаги энг сўнгги изланишлар, муҳим ва долзарб муаммолар, мумтоз меросимизнинг эълон қилинмаган намуналаридан баҳраманд бўлай десангиз, 2004 йил учун журналга обуна бўлишга шошилинг! Янги йилнинг кейинги ойлари учун журналга обуна давом этмоқда!

Журнал учун обуна республикамиздаги барча алоқа бўлимларида қабул қилинади.

Журнал индекси — 893

Агар ҳаёт бўлганида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбеков шу кунларда етмиш ёшга тўлган бўларди.

Ўлмас Умарбеков деганимизда кўз ўнгимизга ажойиб дилкаш инсон, самимий дўст, дилбар шахс сиймоси келади. Дарҳақиқат, сийрат суратда ҳам намоён бўлади деганларидек, ўша фазилатлар Ўлмас Умарбеков яратган асарларга ҳам тўлалигича кўчган эди.

Биз бугун атоқли адиб, моҳир драматург Ўлмас Умарбековни хотирлаб, ҳурмат ва эҳтиромимизни бажо этмоқдамиз. Шубҳасиз, ўтганларни, жумладан, адибларимизни ёд этиш бизнинг инсоний бурчимиздир. Бу борада адабиётимизга ҳам Президентимиз кўрсатаётган катта эътибордан

Абдулла ОРИПОВ

ЙЎҚЛОВ



мамнун эканлигимизни яна бир бора айтиб ўтамиз. Қанчадан-қанча марҳум адибларимизнинг хизматларига холис баҳо берилиб, улар юксак унвонлар билан тақдирландилар.

Ўтганларнинг ҳаёт йўлларига назар ташласак, уларнинг тақдирлари фақат ўзларига хос эканлигини кўрамиз. Чунончи, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби ёзувчиларимиз тарихнинг қатағон тўфонларига дуч келганлар. Ёҳуд бошқа бировлари жанггоҳларда ҳалок бўлганлар ва ҳоказо. Демак, уларнинг ҳаммасига бир хил кўзойнакда қараб бўлмайди. Баъзан айрим олимларимиз ўтган ёзувчиларга уларнинг ижодий мақомига кўра эмас, балки неккан жафоларига қараб баҳо бермоқчи бўладилар. Мабодо адиб жафо чекмаган бўлса, уни ўйлаб топишга ҳам тайёрлар.

Албатта, инсон зоти бошидан ўтган аламни унутмай юриши мумкин ва бунга ҳаққи ҳам бор. Бироқ, адабиётимизда шундоқ сиймолар ҳам мавжудки, улар калтак емаган бўлсалар ҳам рисоладагидек асарлар ярата олганлар. Балки улар ўта эҳтиёткор бўлгандирлар. Агар шум ажалнинг бевақт босқинини ҳисобга олмаганда, Ўлмас Умарбеков умр бўйи самарали фаолият билан машғул бўлиб, баракали ижод қилди. Унинг асарларида ўша давр мафкурасига кўр-кўрона қуллуқ қилиш бош тамойил эмас. Аксинча, Ўлмас Умарбеков асарлари фақат инсон ва инсон қалбига бағишланган эди.

Бу жиҳатларни ҳатто унинг асарлари номларидан ҳам илғаса бўлади. "Севгим, севгилим", "Одам бўлиш қийин", "Қайтар дунё", "Ойнинг олтин ўроғи", "Қиёмат қарз", "Ўзгаларни деб" ва бошқалар.

Меҳр-оқибат, муҳаббат, садоқат сингари ўлмас мавзулар адибимизни доимо ҳаяжонга солиб келган эди. Айни чоғда Ўлмас Умарбеков баъзи ноинсоф, бебурд, нотанти кишилар қиёфасини ҳам маҳорат билан чизиб бера олди. Адиб ижодига хос бош хусусият, менимча, самимият ва куюнчакликдир. У доимо илҳом билан ижод қиларди. Услуби ғоят равон, лоқайдликдан йироқ, тили эса нотабиийликдан мутлақо холи. Унинг асарларида инсоний дард шундоққина билиниб, сезилиб туради.

Адибимиз бедаво хасталикка йўлиқди. Сўнгги асари "Қизимга мактублар" Ўлмас Умарбековнинг ўзига хос иқрорномаси, ҳаётдан чиқарган хулосалари, ҳатто васиятномаси каби бўлиб қолди.

Ўлмас Умарбеков драматург сифатида ҳам таҳсинга лойиқ асарлар яратиб кетди. Биргина буюк актёримиз Шукур Бурҳонов ижроси билан машҳур бўлган "Қиёмат қарз" спектаклини эслайлик. Бу драма ҳеч қачон қадри тушмайдиган асардир. Худди шундай фикрларни Ўлмас Умарбековнинг барча ижодига нисбатан айтиш мумкин. Ундан кўпдан-кўп гўзал ҳикоялар, ажойиб қиссалар мерос бўлиб қолди. Бу асарларнинг талай қисми хорижий тилларга ҳам таржима қилинган.

Ўлмас Умарбеков ижтимоий ҳаётда ҳам фаол эди. У турли масъул вазифаларда ишлаб, маданиятимиз ва адабиётимиз равнақига муносиб ҳисса қўшди. Яхши асарларни ҳалоллик билан ҳимоя қилди, ёшларни қўллаб-қувватлади.

Мен Ўлмас Умарбеков Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбар бўлиб ишлаган вақтда у билан ёнма-ён хизмат қилдим. Ўлмас ака чиндан ҳам самимий, кўнглида кири йўқ, бағрикенг инсон эди. У мустақиллигимизни қутлаб "Дўстим, ана энди ёзадиган давр келди", деб қўярди.

Ўлмас Умарбеков мухлислар меҳридан ҳеч қачон бебаҳра қолган эмас. Унинг хизматлари муносиб баҳоланган. Куни кечагидек эсимда: Президентимиз Ўлмас Умарбековга "Ўзбекистон халқ ёзувчиси" унвонини топшираётиб уни бағрига босиб, таскин-тасалли берган эдилар.

Муҳтарама келинойимиз Зуҳра Умарбекова ва суюкли қизи Умидахон ёзувчимизнинг чироғини ёқиб ўтирибдилар.

Ўлмас Умарбековнинг номи адабиётимиз тарихида ўлмас бўлиб қолди.

Инсон боласига шарафдир ғоят
Халқи рози бўлиб, хотирга олса.
Менинг ушбу шеърим сен учун шояд
Дўстларинг номидан йўқлов бўлолса.

Матназар АБДУЛҲАКИМ

ХОЖА АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ЁДИ

1.Мангулиги бир лаҳза дунё,
Бор эканман бағрингда тирик,
Олдим нафас — бундан бахт бунёд,
Бердим нафас — жаннатга кўприк.

Бир жуфт нафас — шарафим, шоним,
Бўлай ундан, Оллоҳим, огоҳ.
Не аҳволга тушгай иймоним,
Қолар бўлсам ғафлатда ногоҳ.

Жуфт нафас — байт. Ғазалдир асли.
Жуфт нафас — жуфт юрак. Муҳаббат.
Бир нафас бу — азалдир, асли,
Бир нафас бу, аслида, абад.

Бу жуфт нафас — иймонга зина,
Бу жуфт нафас баҳоси йўқ мулк.
Абадият нечук ғазийна,
Не дафина, билмам, мангулик.

Ё Оллоҳим! ...Токи чиқай пок
Кўксимдаги маҳкам қафасдан,
Ҳар дам қилай то сени идрок,
Маҳрум этма шу бир нафасдан.

2.Йўлга сени бошламасин, қўй, ҳавасинг,
Қил раҳнамо ишқ бирла ҳар олган нафасинг.
Қил эзгу амалларингни. Сўнг айла ваъзинг.
Ер, йўқса, бўлур тузоқ, осмон — қафасинг.

3.Оёғингни ҳар дам эҳтиёт қилғил,
Наҳс йўлда емасин, ахтариб наф, лат.
Зикрингни ич-ичдан сен зиёд қилғил,
Таг-тубсиз ўпқонга бошлайди ғафлат.

Ботин кўзинг билан сафарга отлан,
Дилинг зиёратга чиқсин бахт тараф...
Ақлинг елсин, англаб Оллоҳни, шодлан,
Қибла ёқ дил елсин ва топсин шараф.

Ором ол шак-шубҳа зилзиласидан,
Тилинг чопқиллатма, таъма қилиб шаън.
Ҳамма тариқатлар силсиласидан,
Озод бўлажаксан, солиб қўй кишан.

4.Ҳар дам сафаринг. Оқ йўл. Оёғингга қара.
Атрофу баланд, паст — ҳамма ёғингга қара.
Олисдаги уфқ, қўлда таёғингга қара,
Кўнглинг ёритар йўлни. Маёғингга қара.

5.Бозор. Ғала-ғовур. Савдо авжида.
Ким егулик сотар,
Ким — тилло,
Ким — чит...
Ёдимдасан.
Атрофим бўм-бўш,
Ёдимдасан.
Атрофим жим-жит.

6.Азим ўрик ўсар ҳовлимда ёлғиз,
Беҳудага очмайди оғиз.
"Шивир-шивир... тўп-тўп..." оқшоми билан,
Бир жуфт сўзда бўлиқ мева ва мағиз.

Шундайдир бу фироқ, шундай бу васл,
Лафзида илоҳий салмоқ ва маром.

Муштоқ бўлиб кетган ҳар бир меваси
Соғинчим рухсори каби заъфарон.

Ҳар меваси мўъжаз бир пухта асар,
Туҳфа қилиб турар бетакрор кўркин.
О, каломи бунча мухтасар,
Бунчалар ҳикматли мўъмин ўригим.

Мевалар ибодат, япроқлар тоат,
Юракларга малҳам итоат.

7.Ишқ ризқинг, бўлак ризқ-рўзлар не керак?
Оллоҳ жон-жонингда, сўзлар не керак?
Ақлингни чарақлат, ёришсин борлиқ,
Жаҳонни кўрмакка кўзлар не керак?

8.Бир дамда юракни қамради зиё,
Бир дамда юракни тарк этди озор.
Бир дамда тугади ёлғончи дунё,
Бир дамда соб бўлди ёлғончи бозор.

Бир дамда кўзларим сўзсиз зикрингдан
Шудринг қўнган майса янглиғ ёшланди.
Бир дамда тизилди силсила дилда,
Бир дамда ҳақиқат бошланди.

9.Ишқсизликдан ҳамма балолар,
Ишқсизлик оламни ҳоритади.
Муҳаббатни қанча сарфласанг,
Ўзингга шунчалик ортади.

Ишқсизлар ўз ишқсизлик юкин
Бошқаларга ортмоқ истарлар.
Қираётиб ўз гўрларига
Ўзгаларни тортмоқ истарлар.

Мен ошиқман. Додимни эшит.
Мен ошиқман. Фарёдимга ет.
Ишқсизларинг ошиқ бўлсинлар,
Кулфатлардан мени халос эт.

Ўлимидан аввал ўлмасин
Бўлмасин дил сўқир кўрлардан.
Ошиқ этгил ишқсизларингни,
Тирилтириб чиқар гўрлардан.

10.Рўза тутдим. Нафсим кун-кундан бадтар,
Бекор ибодатлар қилдим саҳархез.
Рўза тутдим. Барча пархезлар
Мендан тута бошлади пархез.

Рўза тутдим. Чақиб ташладим
Жаҳлдан иборат заққум мағзимни.
Рўза тутдим. Ўз аҳволимга
Таажжубдан очдим оғзимни.

11.Сувдан қуруқ чиқмасанг куйма.
Кам ўкин.
Юрагинг камроқ нолисин.
Шундай бир шўнғики,
чиқаркансан, сув
сендан қуруқ қолсин.

12.Мангулик Оллоҳнинг ишқига ҳавас,
Азал бир нафасдир, абад бир нафас.

Ҳеч шарҳлаб бўлмас бу сирни муфассал,
Нафас такрорланар, бу — абад,
Нафас такрорланар, бу — азал.

Бетакрордир фақат муҳаббат.

13.Чангалзор оралаб бораётган мард,
Барча тиканларга чап бермоғинг шарт.
Гуноҳлар оралаб бораётган дил,
Гарчи нафас ичра қаттиқ пинҳонсан,
Фориғ қолдингмикан битта тикандан?

Не учун қонсан?!

14.Жоним кўринмас, кел, жонни кўрсат,
Яъни Ўзингни, жононни кўрсат.

Бўлмас кечикса бир лаҳза парвоз,
Учмоқ умидим, осмонни кўрсат.

Берсам савол гар Иймон недур деб,
Ийм эт ўзингга, иймонни кўрсат.

Дунё ажиб уй, меҳмондир ҳамма,
Кўрган эсанг, оҳ, мезбонни кўрсат.

Қалқди сени деб киприкка қатра,
Бундан-да чўнг бир уммонни кўрсат.

Ҳар не жам, охир бўлғай паришон,
Соврилмаган бир хирмонни кўрсат.

Бахт даштида сайд, сайёд ўзимман,
Арслон қани, айт, жайронни кўрсат.

Одамга мерос одамдан армон,
Ҳар дилда йўқ бир армонни кўрсат.

Кўрмак тилар ким қутлуғ бир инсон,
Ҳеч иккиланма, деҳқонни кўрсат.

Билмоқчи бўлсанг бағрим недин қон,
Мижжангдаги ҳар мужгонни кўрсат.

Ким ишқсиз одам бор дер, сен ишққа
Бундан-да ортиқ бўҳтонни кўрсат.

Ким сўрса "Ошиқ кўнгли не ҳолда?"
Боғларга бошла, бўстонни кўрсат.

Юлдузлар экди осмонга Оллоҳ,
Ҳидлай уларни... нарвонни кўрсат.

ЎЗБЕК РОМАНИ: КЕЧА ВА БУГУН

РОМАНМИ ЁКИ РИСОЛА?

Омон Мухтор ўзининг "Ишқ аҳли" асарини "роман" деб эълон қилди. Ёзувчи Алишер Навоийнинг севги тарихи ҳақида билганлари, топганлари ва ўйлаганларини роман учун етарли материал деб ҳисоблаб, уларни ҳаваскор рассом Абулхайрнинг бешта дафтари сифатида тақдим этади. У асарни Одил деган йигитнинг хатидан олинган қуйидаги сўзлар билан бошлайди: "Суюкли Барно! Мендан рассом Абулхайр ҳақида билганларимни ёзиб юборишимни сўраган экансиз". Шу сўзлардан кейин Одил Абулхайрнинг бир ҳаваскор рассом бўлгани, лекин узоқ вақт Алишер Навоий ҳақида ўйлаганларини ёзиб юрганини билдириб, унинг дафтарларини Барнога жўнатишини айтади. Одилнинг мактубидан сўнг эса, Абулхайрнинг дафтарларидаги ёзувлар тақдим этилади. Дафтарлар орасида ахён-ахёнда Одил, унинг хотини Шаҳрия, дўстлари Суҳроб, Назми, Ҳайит, Тозагул тилга олинади, бирга ош тайёрлаганликлари ва Барнога битикларнинг навбатдаги қисми юборилгани эслатилади. Лекин бу шахслар, уларнинг сўзлари, ўйлари, хатти-ҳаракатлари асосий воқеаларга алоқадор бўлмаганлиги сабабли китобдан тушириб қолдирилса ҳам, ҳеч нарса ўзгармайди. Аниқроқ айтсак, Одил ва Абулхайрга таалluқли тафсилотлар асарда буткул ортиқча. Аммо ёзганларини бу хилда тақдим этиш усули адиб учун кўпроқ воқеалар, ўй-хаёллар тасвиридаги узуқ-юлуқликни, тартибсизлик ва парокандаликни ниқоблашга хизмат қиладиган воситадек кўринади.

Аслида Омон Мухтор "Ишқ аҳли" асарига асос қилиб олган масала, яъни Алишер Навоийнинг севги тарихи роман учун мувофиқ материал бўлиб хизмат этиши мумкинмиди? Албатта, мумкин эди. Фақат бу тарихни жуда ҳам қизиқарли, мароқли ва шавқ билан ўқиладиган романга айлантириш учун муайян қийинчиликларни енгиб ўтиш зарур эди. Аввало, ёзувчи олдида Навоийнинг севги тарихига бағишлаб ундан илгарироқ яратилган бадиий асарлардан ўтказиб ниманидир дейиш, ифодалаш вазифаси кўндаланг бўлиб турар эди. Агар ундай асарлардан бири ҳисобланмиш Ойбекнинг "Навоий ва Гули" поэмасида ўша тарих енгилроқ, умумийроқ тарзда талқин этилгани бўлса, Уйғун ва Иззат Султоннинг "Алишер Навоий" драмасида улуғ шоир муҳаббати авлодлар дилидан ўчмайдиган, тилидан тушмайдиган гўзал достон даражасига кўтарилган эди. Мазкур далилларни яхши билган Омон Мухтор бу асарларнинг нафосатидан, гўзаллигидан таъсирлангани ҳолда, ўша асарлардаги тафсилотларни имкон борича такрорламасликка, яъни тақлид йўлидан бормасликка интилади. Шу сабабли ёзувчи юқоридаги асарлардан кўпчиликка маълум бўлган Навоийнинг севги тарихини жуда қисқа тарзда эслатади-да, кейин мазкур масалага оид турли-туман қарашларни, ўй-фикрларни, ҳис-туйғуларни, тарихий манбалару халқ ривоятларини, инсоният сабоқларию шахсий хулосаларни талқин қилишга ўтади. Назаримда, худди шу ўринда Омон Мухтор Навоийнинг севги тарихи ҳақида роман яратиш йўлидан бироз чалғиб кетгандек туюлади. У романдан кўра бадиий адабиётнинг бошқа жанрларига ёки ўзга фанларга, ижод турларига кўпроқ мос бўлган воситалардан фойдаланишга берилиб кетгандек таассурот қолдиради. Гарчанд, ёзувчи ўз олдига Навоийнинг севги тарихи тўғрисида роман яратиш мақсадини қўяр экан, асосий эътибор ўша муҳаббат қўламини, туғилиш куртакларию гуллаган онларини, ошиқ-маъшуқларнинг танишувию учрашувларини, бир-бирларига талпинишдан қалбларида уйғонган чексиз туйғулару онгларини забт этган ўйларини ва, ниҳоят, буюк инсоний эҳтирос туфайли бошларига тушган фожиани бутун тафсилотлари билан акс эттиришга қаратиш зарур эди.

Чунки воқеалар ривожи ва инсоний

Санжар СОДИҚ, профессор

характерлар тасвиридаги мутаносиблик чинакам роман жанрининг асосини ташкил этади. Бу фикр кимдир ўйлаб топган ёки ишлаб чиққан қуруқ назария эмас, балки жаҳон адабиётининг кўп асрлик тажрибасидан келтириб чиқарилган ҳақиқатдир. Икки ярим асрдирки, жаҳон романчилигининг энг нодир намуналарида воқеалар ва характерлар ривожи мутаносиблиги мазкур асарларнинг буюк бадиий кашфиётлар даражасига кўтарилишига хизмат қилувчи муҳим омиллик вазифасини ўтайди. Тўғри, ҳар бир ёзувчи эркин ижод этишга, муайян анъана ёки жанр доирасида янгиликлар, ўзгаришлару кашфиётлар яратишга, новаторликка тўла ҳақлидир. Бироқ бу ҳукуқ ҳеч бир ёзувчига муайян жанр асосини буткул четлаб ўтиб, истаган битигини унинг намунаси сифатида тақдим қилиш ҳуқуқини бермаса керак!

Омон Мухтор асарини ўқишга киришган китобхон унда Навоийнинг севги тарихини ёритишга Ойбек, Уйғун ва Иззат Султоннинг достону драмасини бойитувчи муфассал воқеалар силсиласи билан танишишни ҳамда улар давомида Алишер, Гули, Ҳусайн Бойқаро феъл-атворларида юз берган ўзгаришларни, ораларидаги зиддияту тўқнашувларни кузатишни умид қилади. Фақат умидлар тезда пучга чиқади, чунки муаллиф ўша воқеалару характерлар ривожини кенг қўламли, узлуксиз жараён тарзида муфассал акс эттириш йўлидан бормайди, балки муҳаббат тарихининг қисқача қайта баёнига, унинг фожиали оқибатлари, қаҳрамонларнинг шахсияти, шажараси, ўзаро муносабатлари, тарихдаги ўринлари ҳақида алоҳида-алоҳида мулоҳаза юритишга берилиб кетади. Фақат бу мулоҳазаларнинг аксарияти романдек эпик жанр табиатига мос равишда эмас, балки образли тафаккурдан кўра кўпроқ бошқа соҳаларни, хусусан, илм-фанга хос фикрлашни эслатувчи оҳангда. Бунга иқрор бўлмоқ учун асарнинг дастлабки саҳифаларидан қуйидаги парчани ўқиш ўринли бўлади: "Ҳусайн Ҳиротда, Амир Темурнинг ўғли Шоҳрух замонида дунёга келган эди. Унинг шажараси бундай: Ҳусайн Мирзо бинни Ғиёсиддин Мансур бинни Бойқаро бинни Умаршайх бинни амир Темур.

У она томондан ҳам Темур авлоди. Феруза бегим — Темурнинг яна бир ўғли Мироншоҳ Мирзонинг қизи эди".

Ҳусайн — карим ут-тарафайн, икки тарафдан Темурга туташ. Темур мулкига даъвогар бўлиш, подшоҳлик қилишга ҳақли киши эди".

Бу парча оҳангига, жумлалар тузилишига кўра романга қараганда кўпроқ Бўрибой Аҳмедов ёки Турғун Файзиев каби олимларнинг тарих фанига оид монографияларини, мақолаларини эслатади. Худди муаррихлардек ёзишга ўтгач, муаллиф тарихий манбалар асосида Навоийнинг болалигига оид далилларни кетма-кет қалаштириб ташлайди. Чунончи, у ўтмиш ёдгорликларидан кўпчиликка аён далиллардан Алишернинг Шарафиддин Али Яздий билан учрашуви, қақнус тўғрисидаги ривоят таъсири, Иброҳимнинг Яздийга "Зафарнома" асарини ёзишни буюриши, Шоҳрухнинг бу олимни ўлдирмоқчи бўлгани, Абдуллатифнинг уни қутқариб, Самарқандга жўнатгани, Навоийнинг болаликда чўлда адашгани ҳақидаги тафсилотларни эринмай қайтадан сўзлаб беради. Буларнинг ҳаммаси фақат бир мақсадда, яъни Алишер жуда ёшлигидаёқ онасидан ажралгани ҳақидаги фаразни исботлаш учун эсланади. Фараз ўқувчида деярли шубҳа туғдирмаса-да, китобхон унга доир юқоридаги тафсилотларни асардаги асосий масалага, яъни Навоийнинг севги тарихига қандай алоқаси борлигини аниқлай олмай эзилиб кетади. Асосий масалага узвий боғлаб юборилмаганлиги туфайли мазкур тафсилотлар асарда деярли буткул ортиқчалик касб этиб, кўпроқ унинг композицияси номукаммал чиқишига сабабчи бўлган. Шу хилдаги ўринсиз, ортиқча тафсилотлар асарнинг деярли охиригача келтирилавераги. Масалан, Ҳусайн Бойқаронинг аввал бир мадрасага кўмилиб, кейинчалик қабристонга кўчирилганда, танаси ўгирилиб қолганлиги ҳақида келтирилган ва тарихий манбалардан олинган далил ўзича китобхон учун бирмунча қизиқ туюлиши мумкин. Бироқ бу шубҳасиз далил ҳам Навоийнинг севги тарихига мутлақо боғланмаганлиги сабабли буткул ортиқчадек таассурот қолдиради. Ҳар ҳолда, мазкур тафсилот бутунлай тушириб қолдирилганда ҳам асосий масала талқинида ҳеч қандай ўзгариш рўй бермайди. Манбалардан тўпланган далиллар асосида мушоҳада-мулоҳаза юритиш билан чекланиб қолмай, Омон Мухтор баъзи ўринларда худди тарихчи олимларга ўхшаб айрим масалаларни илмий жиҳатдан асосли ёритишга, уларни даврлаштиришга интилади. Фикримизнинг далили сифатида мана бу парчани ўқиш кифоя:

"Умуман, унинг (Навоийнинг — **С.С.**) Ҳусайнга муносабати тарихи бир неча даврдан тузилган:

Болалик кунларидан Ҳусайн тахтга мингунча — биринчи давр.

Саройда юрган пайт — иккинчи давр.

Ёш шаҳзода Мўмин Мирзо майдонга чиқиши — учинчи давр.

Мўмин Мирзо қатл қилингандан кейин — тўртинчи давр..."

Мазкур даврлаштириш тўғри ёки нотўғрилиги масаласи муҳокамасини муаррихлар ихтиёрига ҳавола этган ҳолда, бу ерда шу тахлитдаги мушоҳадалар романдан кўра кўпроқ соф тарихий рисолаларга хослигини эслатиш билан чекланиш ўринли бўлади.

Адолат юзасидан шуни ҳам эътироф этиш зарурки, асарда юқоридаги каби беҳисоб тарихий далиллар, тафсилотлар чангалзори орасида нимаси биландир романга хос эпик тасвирни эслатувчи ва муаллиф хаёлининг маҳсули бўлган битта воқеа учрайдики, у ёзувчининг муттасил шундай ёрқин манзаралар чизиш йўлидан борганда, муваффақиятга эришиши мумкинлигини тахмин қилишга асос беради. Мен бу ўринда асар охирларида Ҳусайн Бойқаронинг қишда Навоий қабрини зиёрат қилиши манзарасини кўзда тутаман. Қабристонда Ҳусайн ногаҳон бир қизни кўради ва Гулига ўхшатади. Фақат шу ондаёқ у Гулининг ўлганини эслайди-ю, "Йўқ, булар ўлмайди. Алишер ўлмайди! Гули ҳам", деган хаёллар оғушига ғарқ бўлади. Мазкур сатрларни ўқиган китобхон беихтиёр: "Агар ёзувчи худди шундай ёрқин манзаралару воқеалар силсиласини яратиб, уларнинг ҳар бири воситасида қаҳрамонларнинг фикр-туйғулар оқимини ёритиб борганда, балки чинакам роман яратишга муваффақ бўлармиди?" деган ўйларга боради.

Афсуски, муаллиф муттасил шу йўлдан бормайди, балки асарининг ўрталарига келиб, гўё тажрибали адабиётшуносдек қалам тебрата бошлайди. Адабиёт тадқиқотчисига хос фазилат шунда кўринадики, Омон Мухтор Навоийнинг кўп асарларидан, ғазалларидан кутилмаган маънолар топишга, ўринли илмий хулосалар чиқаришга муваффақ бўлади. Жумладан, у Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асари ҳақидаги Навоийнинг машҳур мисраларини келтириб, қуйидагича ўринли хулоса чиқаради: "Юқоридаги сатрларда ўша, тўрт ёки беш ёшдаги Алишер ҳаётининг яхлит манзараси акс этган".

Асар давомида Навоийнинг бошқа кўплаб шеърларидан ҳам мантиқли умумлашмалар, фавқулодда гўзал маънолар топилган. Фақат уларнинг аксарияти, хусусан, "Мантиқ ут-тайр "га тегишли хулоса асардаги асосий масалага, яъни Навоийнинг севги тарихига узвий боғланмай қолаверган. Фақат Омон Мухторнинг Навоий шеърларидан топган маънолари, чиқарган хулосалари орасида шубҳалилари, чекланганлари, мунозаралилари ҳам учрайди. Хусусан, у шоирнинг кўпчилик ғазалларида Гули тимсоли ва севгига садоқат мадҳ этилганини қайд этади.

Навоийшуносликнинг худди шундай мураккаб муаммолари, улуғ шоир истеъдоди, ижоди, айрим асарлари устида теран мунозараларга туртки беришига кўра, "Ишқ аҳли" асари романга қараганда кўпроқ адабий эссе жанри намунасини ёдга солади.

Ниҳоят, "Ишқ аҳли" асарининг ўзига хос жанр хусусиятларидан яна бири унинг фалсафий ёки публицистик мулоҳазаларга бойлигида кўринади. Улар билан танишар эканмиз, Омон Мухтор Навоийнинг севги тарихи асосида роман ёзишдан кўра кўпроқ улуғ шоирнинг ишқ аҳли фалсафасини ифодалашга уринганининг гувоҳи бўламиз. Адиб мушоҳадалари орасида ғоятда мазмундор, китобхонни ҳайратга соладиган даражада донолик билан битилганлари бор. Уларнинг бир мисоли сифатида қуйидаги кичик парчани эслаш мумкин. "У (Навоий — **С.С.**) танлаган устодлару топган дўстлар барчаси — ишқ аҳлидан! Ҳофиз, дейсизми? Анворми? Унинг пири Жомийми? У суянган Лутфийми?!"

Катта донишмандлик руҳи билан суғорилган шу фалсафий мулоҳазалар китобхонда деярли эътироз уйғотмайди. Афсуски, у мазкур ўйларни ҳам асардаги асосий масалага, яъни Навоийнинг севги тарихига чамбарчас боғлай олмайди...

"Ишқ аҳли" асарида ўйланган ғояни ифодалашга хизмат қилувчи воқеалар тасвири ва психологик таҳлил мутаносиблиги яратилганлиги сабабли Омон Мухтор ўз қарашларию мақсадларини баён этишдан бошқа чора тополмай қолган. Баёнчиликни қандайдир йўл билан ниқоблаш, силлиқлаш учун у ўз ғояларини публицистикага хос оташин кўтаринкилик руҳи билан суғорилган оҳангларда айтишга уринган. Бунга иқрор бўлмоқ учун муаллифнинг асосий фикрини баён қилишда қўллаган қуйидаги сўзларини эслаш кифоя: "Ўша даврдаги ўрганиш мумкин фан, соҳа йўққи, Алишер қизиқмаган бўлса! Мана, шу оламни англашга интилиш уни улуғ мутафаккир даражасига кўтаради.

У фақат Темур насли эмас, умуман, ер юзида ҳаёт инқирозга қараб кетмаслигини истайди. Унинг тарихдаги хизмати огоҳликка даъватдир".

Асарда, умуман, Навоийни улуғловчи бундай сўзлар жуда кўп. Аммо улар орасида юқоридаги кўчирма ўзининг жарангдорроқлиги ва қай даражададир умумлаштирувчи руҳга эга эканлиги билан ажралиб туради. Шунга кўра, худди мазкур сўзлар муаллиф кўзда тутган ва асарнинг бутун бадиий тўқимаси воситасида ифодалай олмаган асосий ғоясининг баёнидек туюлади. Ғояларнинг худди шундай оқилона баёни "Ишқ аҳли" асарини романдан кўра кўпроқ фалсафий рисолага ёки публицистик тадқиқотга яқинлаштириб қўйган.

ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИНИНГ КЎМАК ЖАМҒАРМАСИ – ЎЗБЕКИСТОН

«Санъат ва маданият» дастури доирасида ижодий-бадиий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик грантлар танловини эълон қилади.

Танловнинг мақсади Ўзбекистон ижодкор зиёлилари (айниқса, ёшлар)нинг иқтидорли вакиллари ва кичик, аввало, нодавлат, бадиий бирлашмаларнинг мустақил ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Танлов ғолиблари ўзлари таклиф этган ва қиймати 100 дан 3000 АҚШ доллари (Ўзбекистон Марказий банкининг тўлов вақтидаги курси бўйича сўмда)гача бўлган қисқа муддатли шахсий ёки жамоа лойиҳалари шаклидаги бадиий фикрларни амалга ошириш имконига эга бўлишади.

Бадиий лойиҳалар қуйидаги йўналишларда бўлиши мумкин:

- ***Бадиий кўргазма;***
- ***Муаллифлик концерти ёки мусиқачи, ёҳуд камер оркестрининг концертлар туркуми;***
- ***Мустақил режиссёр томонидан спектакл қўйиш;***
- ***Қисқа метражли видеофилмни суратга олиш;***
- ***Санъатшуносликка доир семинар ёки конференция ўтказиш;***
- ***Янги музей экспозициясини ташкил этиш;***
- ***Адабий ижод;***
- ***Бадиий мерос.***

Юқоридаги тадбирлар санъатнинг замонавий, шунингдек, анъанавий турларини (халқ амалий санъати, бадиий ҳунармандчилик)ни ўз ичига олади.

Кўриб чиқиладиган лойиҳаларга қўйиладиган асосий мезонлар:

- ***Фикрнинг янгилиги ва ўзига хослиги;***
- ***Мустақил (муқобил) бадиий ғоя, бадиий (санъатшунослик) концепциясининг мавжудлиги; бадиий тажриба;***
- ***Қўйилган вазифаларни ҳал этишнинг юқори бадиий даражаси;***
- ***Инсонпарварлик, умуминсоний ва миллий ғоялар ҳамда уларни татбиқ этиш шаклларининг бирлиги;***
- ***Очиқ жамиятнинг асосий ғоялари ва тамойилларига мувофиқлик.***

Лойиҳаларни молиялашнинг бошқа қўшимча манбаларини излаш ва улардан фойдаланиш рағбатлантирилади. Совға ва мукофотлар тўлови кўзда тутилмаган. Ҳар бир мурожаат қилувчидан фақат бир лойиҳа қабул қилинади.

Тижорат мақсадидаги, зўравонлик, шафқатсизлик, миллатлараро адоват, ихтилоф ва бошқа шунга ўхшаш ғояларни тарғиб этувчи лойиҳалар танловга қабул қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун Очиқ Жамият Институтига қуйидаги ҳужжат ва материаллар (ўзбек ёҳуд рус тилида) тақдим этилиши зарур:

- ***Танловда қатнашиш учун ариза (эркин шаклда);***
- ***Лойиҳанинг ғояси ва асосий кўрсаткичлари (иштирокчилари, тартиби, ўтказиш муддатлари ва жойи, календар режа, батафсил бюджет, кутиладиган натижалар ва ҳ.к.) асосланган қисқача (5 варақдан кўп бўлмаган машинкаланган матн) баёни;***
- ***Мурожаат қилувчи (лойиҳа раҳбари) ва иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлар: ижодий таржимаи ҳол, алоқа телефони ва манзиллари, расмий ҳужжатлар (паспортнинг дастлабки бетлари, дипломлар, гувоҳномалар, патентлар, хоҳиш бўйича бошқа расмий ҳужжатлар) нусхалари;***
- ***Ижод намуналари (слайдлар, нусхалар, аудио ва видеоматериаллар, оригиналлар ва ҳ.к.);***
- ***Ижоди ҳақида оммавий ахборот воситалари, илмий тадқиқотлар ва ҳ.к. ларда чоп этилган фикрлар;***
- ***Мурожаат қилувчининг бадиий (санъатшунослик) фаолиятига тегишли йўналиш вакилларидан (бир-икки) тавсиянома хатлар.***

Танловда қатнашиш учун таклифлар мазкур эълон газетада чиққандан бошлаб қабул қилинади. **Таклифларни қабул қилишнинг охирги куни – 2004 йил 1 март.** Лойиҳалар Очиқ Жамият Институти Кўмак жамғармаси — Ўзбекистон «Санъат ва маданият» дастурининг Эксперт кўмитаси ва республиканинг таниқли санъатшунослари томонидан кўриб чиқилади. Танлов натижалари март ойининг охирида эълон қилинади.

Аризалар электрон почта орқали қабул қилинмайди.

Барча қўшимча саволлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:

Тошкент, 700031, Зарбоғ (собиқ Роза Люксембург) кўчаси, 31, Очиқ Жамият Институти.
Тел.: (998 71) 120 54 08; 120 54 10, 120 54 11.
Факс: (998 71) 120 68 54.
Электрон почта: aleks@osi.uz

«Санъат ва маданият» дастурини мувофиқлаштирувчи Александр Жумаев.

Заки Валидий ТЎҒОН

ТЕМУРБЕКНИНГ ЎЙҒУРЧА БИР КИТОБА[1]СИ

Яқинда Анқарада бўлиб ўтган илмий анжуманларнинг бирида таниқли тарихчи, Заки Валидий (1890-1970)нинг шогирдларидан проф. Тунжер Бойқаро билан учрашган эдик. Тунжербей ҳозир 64 ёшда. Турк тарихига оид 30га яқин китоб муаллифи. Бир қатор академияларнинг фахрий аъзоси. Инглиз, француз, рус ва форс тилларини билади. Ўзини машҳур Заки Валидийга шогирдгина эмас, фарзанд деб билади. (Талабалик даврида унинг уйида яшаган.) Устози ҳақидаги дастлабки монографияни ҳам 1989 йилда у ёзди. Камтар, камсуқум, ёшига нисбатан ҳаракатчан.

Монографиядаги бир нуқта диққатимни тортди. 1927 йилда Заки Валидий Истанбул университети Адабиёт факултетига турк тарихи муаллими этиб қабул қилинади. Қисқа муддатда уч машҳур тарихчининг (декан Кўпрулузода, Боязид кутубхонаси мудири Исмоил Соиббей, тарих муаллими Заки Валидий) бири сифатида танилади. Бироқ замон оғир эди. Бир томонда, кучайиб келаётган советлар мамлакати, иккинчи томонда, хилма-хил қарашдаги муҳожирлар. Туркия эндигина ўнгланиб келаяпти. Хуллас, Заки Валидийни темурпарастликда ва... малакасизликда айблайдилар.

"1931-32 йилнинг қишида, — деб ёзади у ўзининг "Тарихда усул" китобида, — Темур тарихига оид дарсларимда "Темурни майдонга келтирган тафаккур жараёни" масаласини изоҳларканман, Абдураҳмон Жомийнинг тасаввуф шайхлари ҳасбу ҳолларига оид "Нафаҳот ул-унс" номли китобини, унга Ҳусайн ал-Кошифий ва Алишер Навоий кабилар томонидан қилинган иловалар ва кутубхоналаримиздаги Хожа Нақшбанд ва халифаларига оид манқабаларнинг қўлёзмаларини маъхаз[2] сифатида кўрсатган ва улардан маълумотлар келтирган эдим, ноиблардан бири мени "зарарли китоблардан манба ўрнида фойдаланмоқда", деб марҳум Отатуркка етказибди".[3] Ҳолбуки сал олдинроқ Истанбул Туркиёт институти таклифига мувофиқ академик В.В.Бартольд Туркияга келган ва унинг маърузаларини таржима қилиб бериш Заки Валидийга ишониб топширилган эди.

1932 йилнинг 2 июлида Турк тарихи тадқиқоти жамияти катта илмий анжуман уюштирди. Заки Валидий Ўрта Осиё тарихини ўрганиш билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлади. Ҳар томондан унга ҳужум бошладилар. Уни ўз асарлари билан Русиядаги туркий халқларни бўлиб ташлашда айбладилар. Асосий гап яна Амир Темурга, унинг Тўхтамиш билан муносабатларига бориб боғланди. Қизиғи шундаки, 1944 йилда уни "Туркияда советларга қарши турончилик харакатида бўлгани" учун 10 йилга қамайдилар... Хуллас, Амир Темур ва Туркистон унинг ижодий тақдиридагина эмас, ҳаётида ҳам муҳим рол ўйнаган.

Умуман олганда, у Туркистонни қанчалар севса, бу юрт бошига шараф тожини кийгизган соҳибқиронни ҳам шу қадар эъзозларди. Фақат тарихи эмас, маданиятига ҳам маҳлиё эди. 1913 йилдаёқ "Чиғатой шоири Лутфий ва унинг девони" (Қозон) номли китоб ёзиб нашр этган эди. 1914 йилда "Худоёрхоннинг сўнгги кунлари" (Қозон) ни ёзди. Буюк Берунийдан XX асрдаги Чўлпонгача, "Шайбоқхон"дан Махтумқулигача қизиқди. Навоий ҳақида ўнга яқин мақола эълон қилди. "Умумий турк тарихига кириш" (1946), "Бугунги турк эли (Туркистон) ва яқин тарихи" (1947) китоблари қайта-қайта нашр қилиниб, ҳали-ҳанузгача Туркистон ва туркий халқлар тарихини ўрганишда жаҳон туркология илмининг тенги йўқ намуналари бўлиб турибди.

Заки Валидий, юқорида кўрганимиздек, энг оғир дамларда ҳам Темурга бўлган ихлосига содиқ қолди. Унинг "Хотиралар" ида қизиқ бир факт бор. У 1925 йилнинг 20 майида Туркияга келади. Шу йил 3 июнда Вазирлар Кенгаши қарори билан Туркия фуқаролигига қабул қилинади. Унинг бу мамлакатдаги дастлабки иши Темур ва Боязид жанги кечган майдонларни ўрганиш бўлади. 17 июл куни Анқаранинг жануби шарқидаги Ҳусайн Ғозий тепалигига йўл олади. Қизилҳисорга етганида, қишлоқ аҳлидан бири "Нега бу ерларда айланасан, бирови тутиб ўлдириб қўяди-ку!" дейди. "Ўлдирса, ўлдирар. Мен Темур билан Боязид урушган жойни кўрмоқчиман!" деб жавоб беради. Йўловчи унинг астойдиллигига ишонч ҳосил қилгач, тепаликка бошлаб чиқади ва узоқда ястаниб ётган Чубук водийсини кўрсатади. "Буларни китобдан ўқиганмисан" сўрайди Заки Валидий. "Йўқ, биз Хуросондан келганмиз. Темурни севамиз. Аслида Боязидни Темурга қайраган турклар эмас, серблар эди", дейди йўловчи. Шу тариқа у кечгача қолиб кетади...

Афғонистонда-чи?! У 1923 йилнинг бошида Туркистондан яширин чиқиб кетгач, Эрон орқали Афғонистонга келди ва беш ой туриб қолди. Шунинг катта қисмини Ҳиротда ўтказди. Бу ердаги энг муҳим ишларидан бири Алишер Навоий қадамжоларини ўрганиш бўлди...

Туркистонга эса илк 1913 йилдаги сафариданоқ қаттиқ кўнгил қўйиб қолган ва ҳар бир дақиқасини унинг тарихини ўрганишга сарф этган эди. Чунончи, у ўша илк сафарида Бухородаги амир кутубхонасида "Тузукоти Темурий"нинг энг қадим туркий нусхасини кўрганини ва у 1920 йилдаги қизил босқинда йўқолганини ўз хотираларида изтироб билан эслайди. Нақадар аҳамиятли маълумот. Бундай маълумотлар эса, унинг асарларида сонсиз-саноқсиз.

Мақсаддан узоқлашмайлик. Тунжер Бойқаро Тошкентга қайтишим олдидан Ўзбекистондаги ҳамкасабаларига салом йўллади ва гапимиз кўпроқ Амир Темур ҳақида бўлгани учун Заки Валидийнинг у ҳақидаги айрим мақолалари кseронусхасини ҳадя қилди. Улардан бирини Сизга ҳавола этмоқдаман.

Бегали ҚОСИМОВ



1937 йилнинг 18 январида Қозоғистоннинг Улутов минтақасида Қарсоқбой мис заводи яқинидаги Олтин Чук тепалигида Амир Темурнинг Дашти Қипчоқ сафари пайтида қурдирган бир қалъа ва ундаги тошхат топилди. Уни қозоқлардан муҳандис Сотибой ўғли топди. Бу хабарни ўша пайтлари совет газеталарида ўқиган эдик. Китоба ёзилган тош 11200 кило оғирликда бўлиб, ҳозирда Ленинградга Эрмитажга олиб кетилган. Китобанинг матни 1940 йилда проф. Н.Поппе томонидан нашр этилган.

Темурнинг ушбу Улутовда бир қалъа бино қилиб, китоба битдиргани унинг воқеаларидан ҳам қайд этилгандир. Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Яздий ёзишларича, жаҳон ҳукмдори Темур жумадул-аввал ойининг 23ида жума куни (яъни 1391 йил 29 апрел) Улутов мавқеига восил бўлиб, яшил ўтларга бурканган бўзқирлар ўртасидаги мазкур маскан манзарасига маҳлиё ҳолда тоғнинг тепасига чиқди ва ўша куни шу ерда қолиб кетди. Аскарларига тош келтиришларини ва бу ерда минорасифат бир обида (нишона) бино қилмоқни амр этди. Сангтарош усталарга абадият учун хотира бўлсин, дея у куннинг тарихини ёзишни буюрди.

Китоба 11 сатрдан иборат бўлиб, шундан саккизи уйғур, учи араб ёзувида ёзилган.

Уйғурчасида ўқилганлари шудир:

1. Қара Етти Тўқмоқ ўран-да, қўй
2. йил, ёзнинг ара ой Туроннинг султони
3. Темурбек икки юз минг черик била исми учун Тўхтамишхоннинг
4. қонига юриди. Бу ерга етиб, белги бўлсун деб
5. бу тошни кўпарди.
6. Тангри нусрат бергай, иншооллоҳ.
7. Тангри эл кишига раҳмат қилгай, бизни дуо била
8. ёд қилгай.

Яъни: Қора етти юз (?) Тўқмоқ ўлкасида қўй йили, баҳорнинг ўрта ойида (демак апрелда) Турон султони Темурбек икки юз минг аскари билан ном (номус)и учун Тўхтамишнинг қонига юрди. Бу ерга восил бўлиб, бир белги (нишон) ўлсин, дея ёдгор қолдирди. Тангри бизга нусрат беради. Тангри эл киши (сулҳсевар)га шафқатли бўлади. Эл киши бизни дуо била ёд этсин.

Бу ерда "Тўқмоқ" — Қипчоқ эли, Жўжи улуси демакдир. "Қора етти юз Тўқмоқ" таъбирини Поппе "Етти юз қора Тўқмоқ", деб таржима этган ва "юз" калимасини ҳам бугунги қозоқларнинг бўлинишидаги "уч юз" каби бир идоравий тақсимотни ифода этади, деб ёзган. Яхши ўқилмаган "Исми учун Тўхтамишхоннинг" жумласини ҳам Поппе "ўз шуҳрати учун аҳдини бузган Тўхтамишхоннинг", деб изоҳлайди. Маълум сабабларга кўра, тахти учун Темурдан миннатдор бўлган ва у билан дўстликда келган Тўхтамиш жаҳонгир Эронда пайтида Мовароуннаҳрга юриш қилиб, мамлакатини Темур ихтиёридаги ўлкалар ҳисобига кенгайтириш фикрига тушади. Чиғатой қўшинидан четда мамлакат қишлоқ хўжалиги ва чорвасини юритиб турган "эл кишиси" (аҳоли)ни яғмо этади. Темур бу сафарда ўзини мазкур "эл киши"нинг ҳомийси ўлароқ кўрсаттани сингари китобада ҳам уларнинг дуода бўлишни ваъда этганликларини қайд этади. Диққатга лойиқ жиҳатлардан бири бу ерда Темурнинг ўзини "Темурбек" ва "Турон султони" деб ёздиришидир. Китобанинг тили Темурнинг ўғиллари даврида уйғур ёзувида ёзилган туркча чиғатойча асарларнинг тили билан бирдир. Уйғурча ёзувнинг устидаги араб ҳарфлари билан ёзилган уч сатр араб тилидаги жумлалардан эса, Поппе "Бисмиллоҳи-ар раҳмони-арраҳим"дан бошқасини ўқий олмаган.

Русия Фанлар академиясининг Қозоғистон бўлими илмий ходими, муҳандис Аблайхон ўғли Карим 1938 йилда бу обидани тадқиқ этиб, Темур гумбазини қозоқларимиз шу пайтгача "Олачахоннинг мозори" деб номлаб келганликларини, миноранинг Темур тарихларида зикр этилишича, ғоят баланд ва бир неча қаватли бўлиб, тепа қисми 1918 йилда советларнинг исёнчи казаклар билан тўқнашувларида Қизил Армия томонидан тўпга тутилиб, вайрон қилинганлигини ёзади ва унга ихлосманд ерли қозоқларнинг илгарилари бу тошларга дахл этмоқдан сақланганликлари, сўнгги пайтларда эса, аждодлар мозорларига ҳурмат қолмай, мармар ва ғиштинлари самоварларнинг тагига қўйиш ёхуд бошқа бир мақсадлар учун кўчириб олиб кетилаётгани, бу ерда яна уйғур ёзувидаги 1542 йилга оид бир хон мозори ва яна бир неча амирларнинг мармардан йўнилган қабр тошлари топилгани, Чингизхоннинг ўғли Жўжихоннинг мақбараси ҳам шу ердан 20 километрча нарида топилгани ҳақида хабар беради. Темур ўз обидасини эски хонлар ётган муборак бир ерда бино қилдирган бўлса, ундан сўнгги хонлар ва амирлар ўз мозорларининг Темур ёдгорлиги ёнида бўлишини орзу этганликлари англашилмоқда.

("Чинаралти" ж. 1943 й., 117-сон, 6-бет.)

*1.**Китоба** — бу ерда тошхат маъносида.*
*2.**Маъхаз** — манба.*
3.А.Заки Валидий Тўғон. Тарихда усул, Тўртинчи нашри, Истанбул, 1985, 49-бет.

Дунё — кенг...

ЎТГАН ҲАЁТГА ЙЎЛ БОРМИ?

"Сен, афтидан, реинкарнацияга (қайта яралиш), ўтмишдаги ҳаётлар тадқиқига ишонасан, чамаси. Қизиқсанг,бизнинг институтга кел, одамларнинг гипноз остида ўзларининг аввалги мавжудликлари ҳақидаги гапларини эшитасан. Ўзинг кўриб, эшитиб, хулоса ясайсан."

"АиФ" мухбири Д.Писаренко Москвадаги олий ўқув юртларидан бирининг психология факултети раҳбари бўлиб ишлаётган эски таниши ўзига шундай таклиф билан мурожаат этганини ёзади...

ДАРВОҚЕ...

Реинкарнацияга ишонч бир қанча динларда ўз талқинини топган. Олтинчи асргача бу ишонч насронийликда ҳам асосий қарашлар қаторида кўрилган. Одамни, руҳий таъсир орқали, аввалги мавжудлигини кўрадиган ҳолатга солиб, унинг ҳозирги пайтдаги касалликларини даволаш мумкин, деб ҳисоблашади мутахассислар. Уларнинг фикрича, реинкарнация ҳодисасини тасдиқлайдиган фактлар жуда кўп. Мана, шулардан бири.

Беш ёшли ҳиндистонлик Титу исмли болакай ўтган ҳаётида исми Суреш Варма эканини, унинг Агра шаҳрида дўкони бўлганини айтди. Хотининг исми Ума эканию, уларнинг икки нафар фарзанди бўлганини ҳам Титу ҳеч иккиланмай айтди. Бундан ташқари, у ўзининг ўлдирилганини — ишдан қайтаётганда отишганини, ўқ бошига текканини ҳам эътироф этди. Титунинг ота-оналари у кўрсатган жойга боришганда маълум бўладики, ҳақиқатан ҳам беш йил олдин бу оиланинг бошлиғини отиб ўлдиришган экан. Бола ҳатто олдинги ҳаётидаги қардошларини таниди. Ўқ тешиб кирган жой ҳам боланинг бошида холдай из қолдирган.

МУХБИРНИНГ КУЗАТГАНЛАРИ

"АиФ"даги "Ўтган ҳаётга йўл" мақоласида Д.Писаренко ёзади: "Аудиториядаги ўн чоғли одам йиғилди. Медитатив мусиқа эшитилиб турибди. Талабалар жуфт-жуфт бўлишиб, оддий машқларни бажаришиб, бир-бирини транс ҳолатига солишаётир. Кейин ўқитувчи В.Гузеев уларни бирини четга олиб чиқиб, оҳиста гипноз билан сехрлаб, унга болалигига қўчишни таклиф қилди. Талаба беш яшар болани тасвирлаб, унинг қумлоқда мошинчалар билан ўйнаётганини гапира бошлайди. "Энди, Роман, сен узоқ ўтмишга, ўзингнинг ўтган ҳаётларингдан бирига кўчасан, — дейди В.Гузеев. — Теварагингдаги туман тарқалаётир, манзара тиниқлашаётир. Сен ерда турибсан, теваракка қараяпсан. Хўш, сен нималарни кўраяпсан?"

Роман гапира бошлади: "Бизлар қирда турибмиз. Биз шарқдан келдик ва ҳозир пастдаги қишлоққа қараяпмиз. Ортимда яна уч киши бор, бизлар разведкачиларимиз. Биз бу ердаги ҳамма нарсани эслаб қолишимиз керак". — "Яхши. Энди сен, Роман, бир кун олдинга кўчасан. Нима рўй бераётир?" — "Эрта тонг. Биз қишлоқни ўраб олиб, уйларга ўт қўймоқдамиз. Ҳаммаёқ ёнаяпти, одамлар чавақлашаётир". Шундан сўнг гипноз ҳолатида ётган Роман қабиладошлари билан маҳаллий аҳолини ўлдиришаётганини, тирик қолганларни бир четга олиб чиқиб, тиз чўктиришаётганини — ваҳимали ҳодисаларни ҳикоя қилди...

МАШҒУЛОТДАН СЎНГ

Мухбирнинг ёзишича, Романдан кейин бошқа бир неча талаба гипнозга солинади. Уларнинг ҳар бири ҳар хил ҳодиса ва манзараларни гапириб беради. Масалан, Юрий ўтган ҳаётида қора танли ярим ёввойи бўлганини айтса, Елена Екатерина саройида хизмат қилганини эътироф этади...

Машғулотдан сўнг, гипнозчи В.Гузеев ўз тажрибалари давомида одамларнинг ўтган ҳаётлари ҳақидаги юзлаб ҳикояларни эшитганини айтади: "Бу ҳикоялар, бир қарашда, бир-бирига ўхшаб кетади, жўн туюлади, — дейди у. — Шу боис, кўплаб мутахассислар гипноз ёрдамида одам инкарнациясини (ўтган ҳаётини) тадқиқ этиш мумкинлигига шубҳа билан қарашади. Бироқ тарихда кишиларнинг ўтган ҳаётлари ҳақидаги айрим ҳикоялари текширилиб, тасдиқлангани маълум."

Аслида, бундай "сеанс"дан олинадиган таассурот илмий асосларга кўпам мос келмайди. Зотан, гипноз ҳолатига солинган одам нималарни алжирамайди.

Ҳар нима бўлганда ҳам, бу усул одамшуносликнинг кўпдан-кўп йўлларидан бири. Боз устига, инсон — буюк жумбоқ, деган ҳақиқат ушбу масалада ҳам ўз тасдиғини топаётгани аён кўриниб турибди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Тойир Юнусовга акаси

Ҳасан ЮНУСОВ

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Раъно Азимовага онаси

Санамхон МУҲИДДИНОВА

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг рўйхатга олинганлиги ҳақида 1998 йили берилган 00024-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Холмуҳаммад КАРИМ

ЧЎПОН

ҲИКОЯ

Илк баҳор палласи. Қуёш ҳали тик кўтарилмаган. Чошгоҳ маҳалида ҳам қиш совуғининг заҳри синмайди. Беозор елаётган шабада баданни жунжиктиради. Кенг ялангликда ёлғиз ўзи серрайиб турган кекса отахон совуққа деярли эътибор бермайди. Унинг қилт этмай туришида бир ташвишни англагани сезилади. Отахоннинг диққатини тупроққа ағанаётган қушларнинг ҳаракати эгаллаб олган. Шу алфозда Охунбобо оғир ўйга толганди: "Бу йил ҳам қурғоқчилик бўладиганга ўхшайди. Қушлар бекорга тупроққа ағанамаяпти".

Уруғ оқсоқоли бўлгач, ҳеч қурса овулдагиларнинг қунига яраб турган чорвани асрашга чора излаш унинг бурчи. Мана олти йилдирки, қурғоқчилик туфайли дала-даштда қора молу ушоқ мол ўз тезагини капалаб қиролиб кетаёзди. Агарда бу йил ҳам ёғингарчилик бўлмаса, чорванинг ҳолига вой. Ана шундай ўйда оқсоқол шаҳд билан овулга қайтди-да, қайвониларни бир жойга жамлади. Уларга даштдаги воқеани айтиб, бу йил чорвани бирор тажрибалироқ чўпонлар билан тоққа, Ҳиндиқушнинг улкан ўркачларига бориб туташган Помирнинг оппоқ тизмалари этакларидаги яйловларига ҳайдаб бориш таклифини билдирди.

Овулнинг чорвасини шу атроф-жовонибда боқиб юрадиган подавон бу таклифни эшитганида, ҳайрон бўлиб қолди... Чўпон йиғитнинг иккиланиб турганини кўрган кексалар: "Сен кўп ўйланаверма фалончи, пистончи машҳур чўпонлар тоғнинг ҳар бир ўнғир-қирини беш бармоғидай билишади. Шуларнинг кўмагида тоққа ушоқ молни ҳайдаб борасан", дейишди. Чўпон таваккалига рози бўлди.

Буёғи энди Чўпоннинг маҳоратига боғлиқ эди. Чўпон ҳам катта отарларга қорама-қора эргашиб, ҳафта деганда тоғ этакларига етиб келди. Бу жойлар хийла салқин экан. Чўлда суяги қотган Чўпонни бу ҳол бироз чўчитди. Лекин қўй-қўзиларнинг яйраб кетганини кўргач, кўнгли равшан тортди. Тажрибали чўпонлар кун исиган сайин отарини тоғ даралари сари ўрлатиб, ичкарилаб кетарди. Улар билан қорама-қора бораётган Чўпон ҳам нотаниш тоғ даралари, у ердаги дарахтлару буталарга ҳайратланиб боқар, шу зайл кунлар қандай ўтганини сезмасда. Айниқса, қўйларнинг кун сайин эт олаётганини кўриб, қувонарди. Ҳатто Охунбобо таништирган чўпонлар олдига кунда, кунора боришга ҳам эҳтиёж сезмай қўйди. Чунки энди у ўзини тажрибали чўпонлардек ҳис эта бошлаганди.

Ой ўтиб қўй-қўзиларга жир битиб, ўйноқлаб қолишди, энди ҳа, деб чўққилар томон интилади. Паст-текисликдаги хас-хашакларга оғиз урмасдан кўгалга чопади.

Онда-сонда чўпонларга етказиб берилаётган озиқ-овқатлардан Чўпон ҳам насибасини олди. Аввал бошда чўққа кўмиб пиширадиган кўмма нонларини гоҳо тузсиз пиширса, гоҳо куйдириб қўярди. Кейинчалик ўрганиб кетди. Бу ёғи денг, тоғ суви тошлар орасида кумушдай товланиб кўзни қувонтирса ҳам, совуқлиги қўлга тошдандa қаттиқ тегади. Совуқ сувда ювинавериб, Чўпоннинг қўл-бети қорайиб ёрилиб кетди. Лекин барчасига чидаши керак, чунки у тоғ чўпонларидай ўз овулининг чаганасини ўзи боқиб юрибди. Қўйлари семирган... Ош-нонини ҳам ўзи уддалаяпти. Бировга муҳтожлик жойи йўқ. Мана, ҳаш-паш дегунча ёз ҳам ўтади. Озгина бардош берса бўлгани. Тоғ-тошларнинг орасида ўзини ёлғиз ҳис этмайди. Аввало, маъшуқасининг ёди унинг кўнглини ёритиб турса, бу ёғига вафодор ити доимо ёнида, меҳнаткаш эшаги ҳам хизматга шай, хуллас, у ёлғиз эмас.

Қўйлар семириб, тоғ ҳавосига ўрганиб қолди. Энди кечалари Чўпонни безовта қилмайди. Фақат шу эчки деганлар ношукур бўларкан. Қорни тўйса ҳам чопгани-чопган. "Шу эчкиларни қишлоқда эгаларига топшириб келаверсам ҳам бўларкан", деб ўйлаб қолади баъзан Чўпон. Ўзи-ку тоққа жўнаш пайти ҳам шу фикр калласига бир келувди. Нимага ўша пайтда шу ишни қилмадикан?

Жон куйдирмасанг, жонона қайда, тоққа чиқмасанг, дўлана қайда, деб мана дўланаларнинг дарахтда дувуллаб турганини ўз кўзи билан кўрди. Насиб бўлса, бир кун жонона ҳам бўлиб қолар, деган ниятда жон куйдириб юрибди.

Тоққа баҳор хийла кеч келяркан. Баҳорнинг шиддатли ёмғирли фасли ҳам тугади. Бу ёғига амалласа бўлди. Қишлоққа борса, уйланади. Албатта, Тоштемир махсидўзнинг қизига-да. Тоштемир уста ҳам энди Чўпонга тан беради. Нимага, дейсизми? Ахир, устанинг қўйлари эмас, эчкилари ҳам семириб қолди. Бундан ортиқ яна нима қилиб берсин? Уста қойил қолмай иложи йўқ. Ҳали кўрасиз, ўйлаб ўтирмай тўйни бошлаб юборади. Энди Чўпон ҳам жайдари эмас, тажрибали чўпон.

Шундай ўйлар билан у ўзига-ўзи тасалли бера-бера қийинчиликларни енгарди. Озгина сабр қилса, кейин ялло қилиб қайфини суради. Ким ҳам унга монелик қилиши мумкин? Бутун овулнинг қунига яраб турган чорва унинг илкида. Ай, бундан ортиқ қаҳрамонлик бўлмаса керак. Тундаги беоромликлар, кундузги толиқишларни енгишда махсидўзнинг қизи қўз олдига келиб, ширин хаёллар Чўпонга далда бўларди.

Шундай тотли хаёллар оғушида ётаркан, тун қоронғисида юзига совуқ томчи тушаётганини пайқаб, сергак тортди. Ёзда ёмғир ёғиши дашт боласининг ақлига сиғмасди. Тоғда ёз ёмғири оддий ёмғирлардан фарқли бўлишини у билмасди ҳам. Шунинг учун бу ҳолга эътибор қилмади. Аста-секин томчилар кўпайиб, йириклаша бошлагач, нима қиларини билмай, саросимага тушиб қолди. Яқин-атрофида инсон зоти йўқ... Бу ёғи зим-зиё тун бўлса. Туннинг бундай зулматга ботганини ҳам эслолмайди. Ёмғир эса шиддатли тус олиб, жалага айланди. Чўпон ёмғирда ғуж бўлиб турган қўйлардан ажралиб, иқтирмага интилаётган эчкиларни қайтаришга тушди. Қанча тиришмасин, биқиниб олган эчкилар қоянинг панасига интиларди. Зулмат ичида бирон нарсани илғаш қийин. Тусмоллаб ҳаракат қилгани билан нимани уддасидан чиқаётганини ўзи билмасди. Ёлғиз ўзи бир даранинг ичида ёғига қоврилиб ётганида, эшакнинг ҳанграши ва итнинг ваҳимали увиллаши қўшилиб, аламини оширгандан оширди.

Бир маҳал осмон даҳшатли гумбурлаб, аксу-садоси юракка ҳовур солиб, кетма-кет янгради. Кўп ўтмай даранинг бошидан совуқ шамол эса бошлади. Шамол билан изма-из шалдираганча тошларни суриб, зулмат қўйнидан бир аждаҳо чиқиб келаётганга ўхшади. Саросимага тушиб қолган Чўпон қоянинг ўнғай камарига жойлашган қўшхонаси томон жон қутқарди. Шовқин-суронда жаланинг дўлга айланганини ҳам сезмасдан, ўзини у ёқдан бу ёққа ураркан, сойда вишиллаб оқаётган сувни пайқади. Шунда қўй-қўзиларнинг нолали маърашлари эшитилди. Сурувни сел олди... Сурув томон югурмоқчи бўлди-ю, аммо зулмат қўйнидаги шиддатли жала бунга изн бермади. Батамом саросимада қолган Чўпон эшагининг бўғиқ-бўғиқ ҳанграшини эшитди.

Тамом, эшакни ҳам сел олиб кетди, деб сўкинди. Итнинг ниманидир қаттиқ тишлаб тортаётган каби ириллаши эшитилди. Эшакнинг жабдуғидан тишлаб тортаётган бўлса керак, деб ўйлади Чўпон. Ҳа, бу жониворлар ҳам селга ғарқ бўлди шекилли, дея тусмоллади у. Момоқалдироқ ваҳимали гумбурлаб, чақмоқ чақнаганда, чор-атроф бир ёришиб кетарди. Шу лаҳзаларда селнинг ваҳима билан пишқириб оқаётгани, унда-бунда тошларнинг юмалаб, арчаларни синдириб, сувга қўшилиб кетаётгани кўриниб қоларди. Қисқа муддатли дўлу жала, селдан эсхонаси чиқиб кетган Чўпон дир-дир титрар, ваҳима ичида у қўй-қўзию эчки-улоқ селда кетди, эшак билан итни ҳам олди бу сел, деган фикрдан карахт ҳолга келди. Бутун аъзойи бадани титраб, қаттиқ қўрқув ичида қолгач, чақмоқнинг оловли тилидан гўё ўзини панага оларкан, арчанинг бутоқларига бекинди.

Унинг уст-боши шалаббо бўлиб кетган, шох-шаббаларга маҳкам ёпишиб турарди. Қўрқувдан эси оғиб қолганди: "Қўй-қўзини, эчки-улоқни олдинг, эшак билан итни олдинг, хуржун билан қўшхонани олдинг, эй номард, энди чирағингни ёқиб мени қидираяпсанми..." дерди осмонга боқиб.

Тонг ғира-шира оқариб келарди. Чўпон шох-шаббаларни чангаллаганча ўликдек қотиб қолган. Қанча вақт ўтганини идрок қилолмаса-да, ёнида ити чўнқайиб ўтирганини кўриб ажабланди. Тушимми, ўнгимми?..

Новдаларга ёпишиб қолган бармоқларини зўрға ажратиб, вафодорини қучоқлади. Унинг тириклигига амин бўлгач, ақлини йиғиб олишга уринди. Бир-бир ҳаммасини эслай бошлади ва ҳаммасини сел олганигача эслади. Вафодори селдан қутилиб қолиб, унга мададга келганидан вужудига илиқлик югурди. Эй жонивор, сен ҳақиқий вафодорсан. Энди менга ўлим, чунки мен бутун овулимнинг омонатини бой бердим. Сен эса мендай нотавонни сўроқлаб келиб ўтирибсан-а... У сандироқлай бошлади. Сўник нигоҳлар билан чор-атрофга умидвор олазарак боқди.

Нигоҳлар... нигоҳларига-да ишонмади. Ахир, ахир... барчасини сел олиб кетганди-ку... Қай кўз билан кўрсинки, жабдуғи қийшайган эшаги новдаларни кавшаб турарди. Ундан сал нарирокда эса сурув секин-аста ёйилиб, ўтларди. Чўпоннинг кўзларида ўт чақнаб кетди. Гўё ўлик вужуди қайта тирилди. Яшин ургандек, турган жойида қалқиб кетди. Кўз ўнгида гавдаланаётган манзарани дафъатан англаёлмаётган Чўпон юзини чимчилаб кўргач, овозининг борича бақириб, жар сола бошлади. Қувончи танасига сиғмай, ҳайқириғига даралар акс-садо бериб, овозини босиб кетмагунича бақирди. Бироз ўзига келгач, сурув томон худди болалардек шаталоқ отиб югурди. Бориб сурувидаги қўй-қўзию эчки-улоқнинг дуч келганини бағрига босарди.

Қўрққанга қўша қўринади, деганларидек, илк маротаба тоғ бағрига қадам босган Чўпонга табиат ҳазили жуда даҳшатли туюлганидан у вос-вос бўлиб қолганди. Аслида ҳам тоғда шиддатли жала бўлиб, сел ҳам келганди-ю, аммо Чўпон қўрққанчалик ваҳимали эмасди. Ҳа, бу воқеа шароитга мослашиб улгурмаган Чўпон учун дараларнинг акс-садоси билан қўрқинчли тус олганди, холос. Шу-шу Чўпон тоғда бўлиб турадиган бунақанги ваҳимали ҳолатларга ҳам қўникди.

Селнинг дараги овулдагиларга ҳам етиб бориб, оқсоқол хавотирланиб тоққа одам юборди. Шу баҳонада Чўпоннинг нон-тузидан ҳам хабар олишди. Шундан кейин ҳам бир неча дўл-жала ва сел бўлиб ўтди. Чўпон учун барчаси яхшилик билан тугади.

Сершовқин ва серташвиш ёз ҳам ўтиб кетди. Куз келиши билан тоғдан сурувлар қайта бошлади. Чўпон ҳам чаганани ҳайдаб водийга тушди. Буни қарангки, оқсоқолнинг буйруғига кўра овулдан келаётганлар билан шу ерда учрашишди. Қаттиқ соғинган Чўпон ҳамқишлоқларини ҳеч қўйиб юбормай бағрига босарди. Узоқ дийдорлашувдан сўнг, гангур-гунгур қилишиб чаганани тўғри овул томон ҳайдай бошлади.

— Ў-ҳў, — дерди улар. — Худди бўрдоқига боқилгандай семиртириб юборибсанку. Овулга борсанг сени нақ оқсоқол қилиб кўтаришади-я, — дея ҳазиллашарди. Чўпон эса бошқа муждага интиқ. Аммо бунинг иложи йўқ. Ахир, иккаласидан бошқа кимса билмайди-ку аҳду паймонларни. Чўпоннинг гапга эътибор бермаётганини сезиб қолганлардан бири маънодор қилиб, оқсоқолимиз агар Чўпон сурувни соғ-омон овулга етказиб келса, ўзи хоҳлаган қизга уналтириб, тўйни бошлаб юборамиз, дея бутун овулга эшиттирди, деганида у энтикиб кетди. Ана шунда ошиқ йиғитнинг етмиш икки томири зириллаб, қони кўпириб тўлқинланди. Буни сезган ҳамроҳлар ўзларини билмасликка олиб, гапни бошқа томонга бурди.

Тоғдан тушган сурув яйдоқ далада йўл босаётганининг тўртинчи куни кечга томон осмонга булут чиқди. Тунга бориб шивалаб-гина ёмғир ёға бошлади. Ёқингарчилик сабаб буларнинг юриши ҳам бироз сусайди. Чўпонга бундай эзилиб юриш азоб эди. Ахир, у не-не машаққат, соғинчу ҳижрон билан тоғдаги кунларни санаб ўтказмади. Энди эса чўлда ҳам ёмғир. У шерикларига сурувни ташлаб, овул томон ошиғич йўлга тушмоқчи ҳам бўлди. Аммо овулга сурувсиз кириб бориш, ўлжасиз қайтган овчидай гап. Шуларни ўйлаб, шаштидан қайтди. Ёмғир эса йўлдошларни ҳам ҳаяжонлантириб қўйган. Ахир, неча йилдан буён ёмғирнинг кунлаб ёғишини кутарди. Қақраб ётган ерлар ёмғирга тўйиниб, бўғриқиб кўпчиб кетганди. Ҳаттоки, майсалар ниш ура бошлаган. Ердан таралаётган хушбўй ҳиддан улар ҳам ошиқ Чўпон каби маст эдилар.

Тинимсиз ёғаётган ёмғир учинчи куни ҳам давом этарди. Кун пешиндан оққанда овулнинг қораси кўринди. Чўпоннинг юраги ҳаприқиб кетди. Овулнинг бошида эса ғуж бўлиб турган қора кўринди. Яқинлашавергач, бояги қора тарқалиб, улар томон кела бошлади. Овулнинг каттаю кичиги буларнинг истиқболига чиқарди. Кутиб олиш учун ёмғир тагида анчадан буён уларнинг йўлига қараб ўтирган хабарчилар бутун овулни оёққа турғизганди.

Барчанинг юзида табассум, қалблар ҳаяжонга тўлган ҳолда "тоғликлар" истиқболига чиқди. Кутувчилар орасида бир қалб бор эдики, у соғинчдан қанот боғлаб, хаёлан барчадан илгари борарди. Аммо унинг алангаю оташ вужуди аёллар орасида, асира ҳолда типирчиларди... Овул оқсоқоллари эса етти йилдан кейинги бира-тўла уч кунлаб ёғаётган ёмғир хосиятини яхшиликка йўйиб, энди Яратганнинг иродаси билан қурғоқчилик балоси биздан кўтарилди, яхшиликнинг аломати "чўпоннинг таёғидан", дердилар. Қадаминг қутлуғ бўлсин, Чўпон, деб дуога қўл очишди овул улуғлари.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-48
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50
Санъат бўлими: 136-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Назм ва наср бўлими: